Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 28-avgust, payshanba № 105-106 (3455)

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз — яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган.

Ислом КАРИМОВ



ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН

Бухоро шаҳридаги «Sanjar Asliddin» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ўттиздан ортиқ турдаги мебел маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Уй, офис, таълим ва тиббиёт муассасалари учун мўлжалланган ушбу замонавий дизайндаги сифатли ва нисбатан арзон мебел маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Суратда: ишчилар — Сардор Набиев, Баҳодир Раҳимов ва Дониёр Омонов.

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Мафтункор юрт

Мамлакатимизни кўриш, халқимизнинг бой маданияти ва анъаналари билан танишиш, хушманзара табиатимиздан баҳра олиш мақсадида юртимизга келаётган сайёҳлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш ниятидаги хорижлик ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. ЎзА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Дунё сайёҳлари Ўзбекистонга интилмоқда

Клеменс КОХ (Германия):

— Тошкентда аввал ҳам бўлганман. Бу йилги сафарим Мустақиллик байрами арафасига тўғри келганидан хурсандман. Ҳамма ерда байрамга кенг тайёргарлик кўрилаётгани жуда қувонарли. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириш борасида катта ислоҳотлар амалга оширилаётгани ва бу ишларнинг қамрови тобора кенгайиб бораётгани қувонарли. Сайёҳларни кутиб олиш, замонавий меҳмонхонал1арга жойлаштириш учун зарур шароит ва имкониятлар муҳайё. Тарихий обидаларга саёҳат, миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъати буюмлари намуналари билан таништириш ишлари юксак даражада ташкил этилгани ҳам эътиборга молик.

Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётгани, мусаффо осмонингизда осудалик неъмати акс этаётгани, халқингиз фаровон ва саодатли ҳаётдан баҳраманд бўлаётгани ҳавас қилгулиқдир. Бежиз Ўзбекистонни жаннатмонанд ўлка, деб атамайдилар.

Вейшенг ХУН (Хитой):

— Ўзбекистон мустақилликка эришганига ҳали кўп бўлмаган эса-да, унинг иқтисодиёти жадал тараққий этаётгани барчага маълум. Мамлакатингизнинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга, шу боис дунёнинг кўплаб давлатлари у билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқда, етакчи фирма ва компаниялар бу ерга сармоя киритишга қизиқиш билдирмоқда.

Мамлакатингизда бошқа соҳалар қатори банк тизими ҳам барқарор ривожланмоқда, молиявий муассасалар фаол ва муваффақиятли иш олиб бормоқда. Касбим иқтисодчи бўлгани боис турли мамлакатларда бу соҳанинг ривожланиши билан қизиқаман. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ва обрўли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда ва катта ютуқларга эришаётир.

Ўзбекистонда хитой тилида бийрон сўзлайдиган ёшлар кўп экан. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Одилон КЛЕМАН (Франция):

— Ўзбекистон қадимдан жаҳон илм-фани марказларидан бири бўлган. Бу ерда дунёнинг турли мамлакатларидан келган толибу илмлар турли соҳалар бўйича таҳсил олган, улар орасидан жаҳон илм-фани, маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган кўплаб олиму фузалолар етишиб чиққан. Шаҳарларингиздаги ноёб қадимий ёдгорликлар ва бетакрор меъморий обидалар билан танишган ҳар қандай киши мамлакатингиз нақадар бой тарихга эга эканига ишонч ҳосил қилади.

Ҳар галги сафарим давомида мамлакатингизда улкан ўзгаришлар рўй бераётганига гувоҳ бўламан. Тошкент йилдан-йилга ўзгача қиёфа касб этиб бормоқда. Бу ерда муҳташам бинолар, улкан спорт иншоотлари қад ростлаб, кўплаб замонавий таълим масканлари барпо этилмоқда, тарихий обидалар таъмирланмоқда. Ҳар қадамда турли хил ва кўринишдаги дам олиш масканлари, ресторан ва қаҳвахоналар, супермаркет ва йирик савдо марказларини учратиш мумкин. У ерларда кўрсатилаётган юқори сифатли хизмат ҳар қандай таъби нозик сайёҳга ҳам манзур бўлиши шубҳасиз.

Софрония МАРИНАТОС (Греция):

— Ўзбекистонда санъатни ривожлантиришга, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, миллий мусиқани чуқур ўрганиш ва янада тараққий эттиришга қаратилаётган эътиборга ҳавас қилса арзийди. Бунга мен Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштироким чоғида амин бўлганман.

Санъат азалдан кишиларни эзгуликка чорлаб, юксак инсоний фазилатларни улуғлаб, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликка даъват этиб келади. Мамлакатингизда бундай анжуманларнинг ўтказилиши биз яшаётган ўта мураккаб замонда халқлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш мусиқа оҳанглари орқали одамлар қалбида эзгу инсоний туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига пайванд этиш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилади.

Амэндо КОРЕЛЛИ (Италия):

— Ўзбекистон, кўркам ва қадимий шаҳарларингиз бугун дунё сайёҳларини ўзига чорламоқда. Юртингиздаги тарихий ёдгорликлар ва замонавий шаҳарларни томоша қилиш, халқингизнинг ранг-баранг маданият ва анъаналари билан танишиш, хушманзара табиатингиз фусункорлигидан баҳра олиш мақсадида мамлакатингизга келаётган сайёҳлар сони йил сайин ортиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

Ўзбекистонда аждодлардан қолган бой маданий меросни — тарихий обидаларни таъмирлаш ва асраб-авайлаш, цивилизациянинг юксалишига беназир ҳисса қўшган алломаларнинг номини тиклаш, илмий меросини ўрганиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани таҳсинга сазовор. Ўзбекистон асрлар давомида бунёд этилган қадимий ёдгорликларга бой минтақадир. Бу ердан Шарқни Ғарб билан боғловчи Буюк Ипак йўли ўтган. Юртингизда миллий анъаналар руҳи билан суғорилган кўплаб замонавий меъморий мажмуалар бунёд этилгани жуда ҳайратланарлидир. Зотан, маънавияти юксак, илму адабда етук элнинг фарзандлари ҳам ғурури баланд бўлиб камол топиши шубҳасиздир.

ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА ёзиб олди

II ўсмирлар Олимпия ўйинлари

Бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Жаҳон ва Осиё чемпиони, ҳамюртимиз Бектемир Меликўзиев Нанкинда ўтказилаётган II ўсмирлар Олимпия ўйинларида ўз вазнида дунёда тенгсиз эканлигини амалда яна бир бора исботлади.

БОШНИ БАЛАНД КЎТАРИБ...

Вазни 69 кг.гача бўлган спортчилар мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Бектемир финал жангида Доминикан Республикаси вакили Хуан Соланога ҳеч қандай имконият қолдирмади ва 3:0 ҳисобида зафар қучиб, Ўзбекистон делегацияси ҳисобига яна бир олтин медални келтирди.

— Айни дамда хурсандчилигимнинг чеки йўқ — деди Бектемир Меликўзиев. — Бугун Ўзбекистон делегациясининг барча аъзолари менга далда бўлишди. Шу билан бирга, юртдошларимиз ҳам мени билвосита қўллаб-қувватлаётганликларини дилдан ҳис қилиб турдим. Бу, ўз навбатида, ғалабага бўлган иштиёқ ва масъулиятимни янада кучайтирди. Сафар олдидан ўсмирлар олимпиада ўйинларида фақат олтин медал учун курашишни мақсад қилгандим. Ниятим ижобат бўлганлигидан бахтиёрман. Ушбу ғалабамни тобора яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллик байрамига бағишлайман.

Яна бир ҳамюртимиз Сулаймон Латипов бокс бўйича вазни 49 кг.гача бўлган спортчилар мусобақасида кумуш медал совриндори бўлди. Умидли спортчимиз ярим финалда япониялик Субару Муратани 2:1 ҳисобида енгди. Ҳал қилувчи баҳс натижасига кўра у шоҳсупанинг иккинчи погонасидан жой олди.

Шу тариқа ёш спортчиларимиз нуфузли мусобақада тўртта олтин, учтадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Эътироф ва ифтихор рамзи

28 август — «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилган кун

Инсон омили улуғланган, меҳнати қадрланган юртда тараққиёт ва ривожланиш, қут-барака бўлади. Мамлакатимиз шаъну шавкатини улуғлаб, ўзининг фидокорона меҳнати билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни рағбатлантириш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир.



1998 йил 28 августда таъсис этилган «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, ёш авлод истеъдодини рўёбга чиқариш, Ватанимизнинг нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимиз самарали ва баракали меҳнатининг амалдаги эътирофи бўлиб хизмат қилаётир.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мамлакатимиз мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга, ёш авлодни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб тарбиялашга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан кўпчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланади.

Ушбу юксак мукофот мамлакатимизни янада равнақ топтириш, буюк аждодларимизга муносиб баркамол авлодни тарбиялаш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилишда юртдошларимизга кучли рағбат бўлиб хизмат қилмоқда.

Орденнинг марказида, доирада қизил йўл билан ҳошияланган Регистон мажмуи тасвирланган. Бу — қадимий, гўзал ва ҳамиша навқирон Ватанимиз жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани, ана шундай теран илдизларга эга халқ эканлигимиз ва айни пайтда бунга муносиб бўлишга муттасил ҳаракат қилишимиз зарурлигига ишора.

Регистон тасвири ортида водийлар, тоғлар, мовий осмон узра қуёш тасвирланган. Бутун тасвир шаффоф эмал билан қопланган бўлиб, айлананинг пастки қисмида осуда кунларда тўкис ҳаётни барпо этадиган илҳом завқи, қувончи, ҳурмат ва шуҳрат рамзи бўлган дафна новдаси ўрин олган.

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари ҳамда бошқа нуфузли спорт анжуманларида зафар қозонган, ўз ютуқлари билан Ватанимиз шону шуҳратини юксалтиришга, табаррук диёримиз довруғининг дунёга янада кенгроқ ёйилишига муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида кумушранг югуриш йўлкалари билан ўралган стадион тасвирига туташ Олимпия ўйинлари рамзи — беш ҳалқа, шунингдек, давлатимиз гербини тутиб турган икки қўл ифодаланган.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси, профессионал маҳорати ва ёрқин истеъдоди билан спорт соҳасида юқори натижаларга эришган ўнлаб спортчиларимиз «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланган.

Ўз меҳнати самарасини кўриш, Ватан равнақи йўлидаги ҳалол хизматлари эътироф этилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиш, мамлакатнинг ифтихорига айланиш ҳар бир инсон учун чин шараф, катта бахт, энг олий саодатдир.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎзА шарҳловчиси

Тараддуд

КУНДА ЎЗГАРИШ

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамига Оролбўйида жойлашган шаҳар ва туманларда, қишлоқ ҳамда овулларда катта тараддуд кўрилмоқда.

38 мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қиладиган Тахтакўпир тумани марказига 4,2 километрлик янги сув тармоғи тортиб келтирилди. Умумий қиймати 705 млн. сўм миқдорида қурилаётган сув тармоғи байрам арафасида ишга туширилди.

— Сув қувурларининг эскиргани сабабли юзага келган муаммо ижобий ечим топди. Ҳукуматимиз тарафидан яратиб берилаётган шароитлардан маҳалладошларим мамнун бўлмоқда, — дейди 2-маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зийуар Акмнязова.

Байрам арафасида тумандаги 660 ўринли қурилиш касб-ҳунар коллежи биносида реконструкция ишлари якунига етказилиб, 715.5 млн. сўмлик иш ҳажми бажарилди. Бундан ташқари, ички йўллар таъмирланиб, қатор савдо ва сервис хизмати кўрсатиш объектларини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири

Мукофот муборак!

Абдимурат Базаров. Бу ном бугун нафақат Қашқадарё вилояти, балки республикамиз аҳлига яхши таниш. Меҳнат фаолиятини мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлаган камтарин инсон ҳақида жуда кўп ва хўп гапириш мумкин.

Сарбозорлик қаҳрамон



Бугун унинг таржимаи ҳолига батафсил тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Аммо шуни очиқ эътироф этишимиз мумкинки, мустақилликкача бўлган йигирма икки йилдан ортиқ вақт мобайнида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида тинмай меҳнат қилган олим-агроном хизматлари учун ҳатто бирор марта рағбатлантирилмаганини айтиб ўтсак, ким эдигу, ким бўлдик, деган саволга жавоб ҳам бериб ўтган бўламиз.

— 1969 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тугаллаб, «Чим» хўжалигида участка агрономи бўлиб иш бошладим, — дея гап бошлайди қаҳрамонимиз. — 1974 йилда кўплар қатори Қарши чўлини ўзлаштирувчилар сафида Нишон туманига оиламиз билан кўчиб бордик. Чанг-тўзон, чўл гармселини писанд қилмай ишладик. Уста пахтакор Ҳайитмурод Фармоновдан пахтачилик ва ғаллачиликдаги тажриба мактабини ўргандим. Бу менинг кейинги иш фаолиятимда асқотди. Лекин, шунча ишлаб бирор марта ҳам мукофот у ёқда турсин, ҳатто «раҳмат» ҳам эшитганимни эслай олмайман. Шукрки, истиқлол шарофати билан қаддимиз ва қадримиз юксалди. Меҳнатимиз самарасини кўрдик, одамдай ишлашни ҳам, дам олишни ҳам ўргандик. Энг асосийси, деҳқон меҳнати қадр топди. Бунинг учун, аввало, ана шундай эзгу ишларнинг бошида турган муҳтарам Президентимиздан миннатдормиз.

Дарвоқе, орадан ўн йил ўтиб, Абдимурат Базаров яна қадрдон қишлоғига қайтди, агроном, кейинчалик бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлади. Оилавий пудрат асосида иш юритиб, пахтачилик ва ғаллачиликдан юқори ҳосил олишга эришди. Йиллик режалар бажарилиб, ҳосилдорлик йил сайин ошгани боис, даромад ҳам шунга яраша бўлди. Қарабсизки, қозон ҳам, чўмич ҳам мой бўла бошлади. Дастлаб 31 гектар майдонда деҳқончилик қилган бўлса, кейинчалик экин майдони 68 гектарга кўпайди. 2004 йилда «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги ташкил этилди.

(Давоми 3-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 28-avgust № 105-106 (3455)

Давра суҳбати

Мамлакатимизда барча соҳалар барқарор суръатлар билан ривожланиб, қўлга киритилган улкан натижалар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Танлаган тараққиёт йўлимиз ҳар томонлама тўғри эканлигини, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этиш касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида алоҳида ўрин тутмоқда.

Масъулият – ҳал қилувчи куч

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Истиқлол имкониятлари — таълим, фан ва маданият тизимида эришилган ютуқлар» мавзусида ўтказилган давра суҳбати фикримиз исботидир.

Тадбирда Олий таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг Халқ таълими вазирлигининг Таълим маркази директори ўринбосари Меҳринисо Пардаева, Ўзбекистон Фанлар академияси директорлар кенгаши раиси Бахтиёр Зокиров, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Дилфуза Қаршибоевалар истиқлол йилларида илм-фан, техника соҳаларида эришилган ютуқлар, баркамол авлодни тарбиялаш, янги инновацион технологияларнинг жорий этилиши ҳамда илмий тадқиқот фаолияти янгиликлари, узлуксиз таълим жараёнининг ижобий натижалари ҳақида сўз юритишди.

Нуржамол Бердалиева, ЎзФА астрономия институти касаба уюшма қўмитаси етакчиси:

— Мустақиллик илм-фан соҳаси вакиллари учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. ЎзФА тизимида 50 дан зиёд илмий текшириш институтлари фаолият кўрсатмоқда. Олимларимиз Япония, Америка Қўшма Штатлари каби давлатларда билимларини ошириб қайтаётир. Яна бир аҳамиятли томони, илгари олимларга бир хил маош тўланарди. Эндиликда улар кашфиётларидан келаётган фойдага қараб ҳақ олишмоқда.

Йиғилишда «Энг яхши корхона», «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинациялари бўйича республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ғолибларга тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Анвар Сафаров, Қашқадарё вилоят Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти вакили:

— «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинациясида ғолиб бўлдим. Жамоатчилик асосида сайланган вакил доимий равишда ўз билим даражасини ошириб бориши ва ишига катта масъулият билан ёндашиши лозим, деган ақида қанчалар тўғри эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдидан

Ёруғ кунлар зиёси

Энг улуғ, энг азиз дея эътироф этилувчи Мустақиллик айёми ҳар биримизга кўтаринки кайфият улашади. Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан истиқлолимизнинг 23 йиллиги шарафига уюштирилган тадбирлар вилоят аҳли учун байрамона туҳфа бўлди. Ушбу тадбирларда ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева иштирок этди.

Федерация Кенгаши раиси Янгиқўрғон туманидаги Н-сонли ҳарбий қисмда Ватан сарҳадларини қўриқлаётган ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари билан дилдан суҳбат қуриб, байрам совғаларини топширди.

— Бугун дунё саҳнига назар солсак, қанчадан-қанча халқлар таҳликаю хавотирда, қонли уруш домида яшаётганлигини кўрамиз, — деди Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Т.Нарбаева. — Минг шукрки, Оллоҳнинг назари тушган Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик. Кўнглимиз хотиржам, эртанги кунимиз янада нурафшон эканлигига ишончимиз комил.

Тадбир давомида касаба уюшмаларининг туҳфаси — оила эҳтиёжи учун керакли маиший техникалар ҳарбий оила бекаларига тортиқ этилди.

— Бугун мен сингари 10 нафар аёлга уй юмушларини енгиллатувчи жиҳозлар совға қилинди, — дейди Самия Аҳмадова. — Бўлғуси ватан ҳимоячилари — уч нафар паҳлавон ўғлим — Бунёдбек, Санжарбек, Сирожиддинлар номидан касаба уюшмаларига ўз қувончимиз ва ташаккуримизни изҳор этаман.

Тадбир давомида, шунингдек, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Янгиқўрғон туман кенгаши томонидан 10 нафар ҳарбий хизматчига сиёсий ва бадиий адабиётлар туҳфа қилинди.

— Эътибор ҳар қандай кўнгилни юксалтиради, — дейди капитан Амрулло Рамазонов. — Аскарнинг ортида Ватани, яқинлари турганлиги уни ҳар дам руҳлантиради. Бугунгидек тадбирлар учун ташкилотчиларга катта раҳмат. «Мамлакат лашкарлари ва фуқаролари фидойилиги эвазига тараққий топади», деган эди Соҳибқирон бобомиз. Биз айни фаолиятимизда аждодларимизнинг шу каби ўгитларига амал қилишга интилмоқдамиз.

* * *

Навбатдаги тадбир «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деб номланган бўлиб, Алишер Навоий номли вилоят мусиқали драма ва комедия театрида ўтказилди. Унда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, касаба уюшма фаоллари, касаба уюшма стипендиантлари, хизмат даврида ҳалок бўлганлар оилалар вакиллари, санъаткорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Барчамизга аёнки, мустақиллик йилларида аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг салоҳиятидан ижтимоий, маданий ва иқтисодий соҳаларда, болалар тарбиясида янада самарали фойдаланиш мақсадида кўплаб аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борада «Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳукумат қарорига мувофиқ, хонадонларнинг маиший ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бу борада касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Байрам олдидан вилоятдаги 136 нафар эҳтиёжманд аёлга шундай совғалар ажратилди.

Шунингдек, тадбирда «Ватан ўз ватанпарварларини хотирлайди» акцияси доирасида хизмат вазифаларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари оилалари иштирок этишди.

— Фарзандларим отасиз ўсаётганидан кўнглимда кемтиклик бор. Аммо уларни оталаридан фахрланиш ҳисси билан тарбияламоқдаман. Зеро, турмуш ўртоғим Ватан олдидаги, фарзандлари, оиласи олдидаги бурчини шараф билан адо этди. Бугун биз ҳар томонлама тинч, хотиржам, эътибору эъзозда яшаётирмиз, — дейди касаба уюшмалари совғасини қабул қилиб олар экан Гулноза Нуриддинова. — Турмуш ўртоғим Камолиддин Тошпўлатов билан 1996 йилда оила қургандик. 2000 йилда 26 ёшида ҳалок бўлди. Қўлимда 2 ёшли Умиджоним ва яна бир ҳали туғилмаган гўдак ҳомилам билан қолдим. Бугун болажонларимнинг бўйи чўзилиб, касб танлаш ҳақида ўйлай бошлашганда, ихтиёрларини ўзларига бердим. Ота касбини танлашмоқчи. Умиджон Тошкент шаҳар ахборот телекоммуникация академик лицейига ўқишга кирди. Кенжам Миркомил эса прокурор бўлишни мақсад қилган. Энг муҳими, уларнинг ота ўғил бўлишлари, юзимизни ёруғ қилишларидир. Бугунгидек ғамхўрлик тадбирлари менинг бу йўлдаги бардошимни мустаҳкамлайди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури»ни амалга оширишда касаба уюшмалари фаол иштирок этмоқда. 2014 йилда «Касаба уюшмалари — талабаларга» акцияси доирасида вилоятда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган 14 нафар талаба-ўқувчи «Касаба уюшмалари стипендианти» номига сазовор бўлди. Тадбир давомида уларга махсус сертификат тантанали равишда топширилди.

Маданий-маърифий тадбирда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Б.Юсупов ҳамда ВКУТБ раиси З.Маҳкамова иштирок этди.

* * *

Касаба уюшмалари ташаббуси кенг қулоч ёйган ушбу кунда яна бир қувончли ҳодиса — «Чорток» санаторийсининг замонавий ошхонаси фойдаланишга топширилди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик тўйи арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва маҳаллаларда байрамолди тадбирлар бўлиб ўтмоқда. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтаётган тадбирларига уруш ва меҳнат фахрийлари, ходимлар, ўқув муассасалари талабалари, ҳарбийлар, эҳтиёжманд оила вакиллари таклиф этилаётир.

— Байрам муносабати билан 136 нафар эҳтиёжманд оила вакилларига касаба уюшма совғалари тақдим этилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ғанишер Файзуллаев. — Шу билан бирга, тадбирда вилоятдаги олий таълим муассасаларида аъло баҳоларга ўқиётган 15 нафар касаба уюшма стипендиантига гувоҳнома ва байрам совғалари топширилди. Корхона ва ташкилотларда меҳнат зафарларига эришаётган, эҳтиёжманд оилаларнинг 6 тасига сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди.

Санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури тадбирга файз бағишлади.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Фарғонада ўзгача шукуҳ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган байрам тадбирларининг асосий қисми жойларда бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари дастлаб Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли Н-ҳарбий қисмга ташриф буюриб, аскар ва офицерларнинг яшаш ҳамда дам олиш шароитлари билан танишди. Чимён қишлоғида фойдаланишга топширилган ҳарбийларнинг янги турар жойларида бўлиб, уларнинг турмуш шароити билан қизиқдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева ушбу хонадонларга кўчиб ўтган 8 та оилага касаба уюшма совғаси — электр маиший техника жиҳозлари тўпламини топшириб, уй эгаларини Мустақиллик байрами ҳамда уй тўйлари билан самимий табриклади.

Тадбирнинг маданий-маърифий қисми Фарғона шаҳридаги Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли вилоят драма театрида бўлиб ўтди.

Механат муҳофазаси

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш» республика кўрик-танловининг 2-босқич якунлари бўйича ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

ЯКУНИЙ БОСҚИЧГА ЙЎЛЛАНМА

Унда «Энг яхши корхона» номинацияси бўйича биринчи ўринга Термиз локомотив депоси, иккинчи ўринга Бухоро МТУ Қоровулбозор темир йўл бекати, учинчи ўринга Урганч темир йўл масофаси лойиқ деб топилди.

Танловнинг «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси» йўналиши бўйича биринчи ўрин Термиз МТУ, иккинчи ўрин Тинчлик локомотив депоси, учинчи ўрин «Ўзтемирйўлконтейнер» ОАЖ касаба уюшма қўмиталарига насиб этди.

«Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили» номинацияси бўйича эса биринчи ўринга Қарши вагон депоси меҳнат муҳофазаси вакили Ф. Гайбуллаев, иккинчи ўринга Кўнғирот темир йўл масофаси меҳнат муҳофазаси вакили Т. Гаюпов, учинчи ўринга Самарқанд темир йўл узели шифохонаси меҳнат муҳофазаси вакили С. Акопян муносиб топилди.

ЎзКУФК меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Ў.Одилов ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қ.Собиров ғолибларни самимий табриклаб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширди.

Ғолиблар кўрик-танловнинг учинчи босқичида иштирок этади.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири



Ўқув-семинар

Самарқанд шаҳридаги «Жануби-Ғарбий магистрал электр тармоқлари» корхонасида Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги Энергетика ходимлари касаба уюшмалари таркибига кирувчи бошланғич ташкилотлар раисларининг минтақавий ўқув-семинари бўлиб ўтди.

ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГГА ФОЙДА

Унда ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномаларининг ўрни ва бошланғич ташкилотларда ташкилий ишларни йўлга қўйиш, касаба уюшмаси бюджети маблағидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш тартиблари ҳақида тармоқ Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси И.Ражабова, бош юристконсулти Ж.Цой ҳамда молиявий ишлар бўйича бош мутахассиси Г.Абидоваларнинг маърузалари эшитилди. Шунингдек, иштирокчилар орасидан сўзга чиққанлар истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар ҳақида гапиришди.

Юзага келган имкониятдан фойдаланиб, иштирокчилар жойлардаги бошланғич ташкилотларда бўлишди. Аниқланган хато-камчиликларни тузатишга амалий ёрдам берилди.

Семинарда илғор тажрибалар ҳақида сўз юритилиб, бундан буён ҳам шундай семинарлар ва мутахассислар билан учрашувлар ташкил қилиш лозимлигига урғу берилди.

Қизиқарли савол-жавоб, баҳс-мунозарага бой ўтган тадбир қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Р.ЗУЛПАНОВ,
«Самарқанд ҲЭТ» ОАЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси

«УМКА» ЁРЛИҒИ БИЛАН


Навоий вилояти Хатирчи туманидаги «Зокиржон Улуғмуродов» хусусий фирмасида 5 нафар коллеж битирувчиси иш билан банд.

2013 йилда фаолиятини бошлаган корхона «Микрокредитбанк»нинг Хатирчи туман филиалидан олинган 46 миллион сўм кредит эвазига замонавий технологиялар келтириб ўрнатди. Бир сменада 600-700 литр сутни қайта ишлаш қувватига эга цехда кунига 10 минг донагача музқаймоқ ишлаб чиқарилмоқда. «Умка» ёрлиғи остида сотувга чиқарилаётган мазали музқаймоқлар қўшни вилоятларда ҳам ўз харидорларига эга.

Суратда: корхона ишчиси Малоҳат Шукурова.

ЎзА фотомухбири Сирож АСЛОНОВ олган суратлар

Маънавият соати





Маройқли мулоқот

Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг микробиология ва полимерлар физикаси ва кимё институтида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним» мавзусида маънавият соати ташкил этилди. Тадбирда ФА бирлашган касаба уюшма қўмитасининг раиси Шерзод Жўраев истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳамда ушбу муваффақиятларга мамлакатимиз олимларининг қўшаётган ҳиссаси тўғрисида атрофлича сўз юритди.

— Мустақиллик олимларимизга ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришга кенг имконият яратди. Кўпчилиги чет элларда тажриба орттириб қайтмоқда. Қувончлиси, келажагимизнинг яратувчилари бўлмиш ёшларга эътибор ниҳоятда кучайди, — деди Ш.Жўраев. — Ишонамизки, улар илм-фаннинг барча йўналишларида ўз қобилиятларини намоён этиб, илм-фан равнақи йўлида салоҳиятларини сафарбар этаверишади.

Тадбирда сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков Юртбошимиз бошчилигида истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, ички ва ташқи сиёсат борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маъруза қилди.

Ўз мухбиримиз.
Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

2014 йил – Соғлом бола йили

Андижонда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Хотин-қизлар қўмитаси ва Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида» мавзусида семинар ўтказилди.

Доимий эътибордаги масала

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда судьялар, вилоят адлия бошқармаси, прокуратураси, фуқаролик ишлари бўйича суд идоралари ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб вояга етиши йўлида яратиб берилаётган кенг шароит ва имкониятлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Болалар соғлигини сақлаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда таълим муассасалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ота-оналар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда васийлик ва ҳомийлик кенгашларининг масъулияти каби масалалар хусусида сўз юритилди.

— Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судяси Азизахон Нажмиддинова. — Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни бу йўналишдаги муҳим ҳужжатдир. Қонунда ижтимоий муҳофазага муҳтож, етим, ногирон болаларга муносабат борасида давлат сиёсатининг асослари ўз аксини топган.

Тадбир доирасида мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганларга яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар ҳақида ҳикоя қилувчи махсус видеороликлар намойиш этилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Ishonch
2014-yil 28-avgust № 105-106 (3455)

Сарбозорлик қаҳрамон

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).



Бугунги кунда хўжаликда 32 киши меҳнат қилмоқда. 200 гектар майдонда ғалла ва пахта етиштириляпти. Бу йилги ғалладан олинган даромад эвазига қишлоқдаги эҳтиёжманд оилалар, меҳнат фахрийларига ҳам моддий кўмак берилди.

«Чим» қишлоқ фуқаролари йиғини раиси Тўра Эшмуродовнинг таъкидлашича, ҳудудда 18 мингга яқин аҳоли бўлиб, 5 та мактабда 2000 нафардан ортиқ ўғил-қиз таълим-тарбия олади. Фермер Абдимурат Базаров янги ўқув йили олдидан ўқувчиларга бир ярим миллион сўмлик ўқув қуроллари, мактаб формалари совға қилди. Бундан ташқари, байрамларда эҳтиёжманд оилалар, якка-ёлғизлар ва нуронийлардан мурувватини аямайди. «Чим» болалар спорт-соғломлаштириш мажмуаси ёшлари учун спорт формалари олиб бергани болажонларга кўтаринки кайфият ва қувонч бағишлади. Фермер хўжалиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Бекзод Бозоров етакчилигида жамоа аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам катта аҳамият берилаётир. Яхши ишлаб, мазмунли дам олиш эса иш суръатини оширмоқда. Хўжалик аъзолари учун ҳар мавсум бошланиши олдидан Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз сингари тарихий шаҳарларга саёҳат уюштирилади.

— Ишдан сўнг оила аъзоларимиз билан телевизор томоша қилиб турган пайтимизда «Ахборот» кўрсатувини расмий хабар билан бошлаган сухандоннинг жаранглаб чиқаришнинг олдинги сафларида боришмоқда. Қурилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги турар жойлар қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириб юборди. Икки фарзандим барча қулайликларга эга бўлган замонавий уйларда яшаяпти. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидандир.

Бугун фермер хўжалиги раҳбари чорвачилик ва баликчиликни йўлга қўйиш борасида катта ишларни амалга ошираяпти. Лизинг асосида олинган техника воситалари дала ишларини енгиллаштирмоқда.

Абдимурат Базаров катта оиланинг сардори. Турмуш ўртоғи Роҳила Маҳмудова билан саккиз нафар фарзандни тарбиялаб, элга қўшди. Бир-биридан ақлли ва ишчан фарзандлари — Бахтиёр, Шерзод, Дилшод, Назокат, Бекзодлар отасига қанот бўлиб, фермер хўжалигини янада ривожлантиришни мақсад қилиб, самарали меҳнат қилишаётир. Қизи Шарофат — ўқитувчи. Шоира — уй бекаси. Нафосат эса Қарши Давлат университети талабаси.

— Абдимурат Базаров нафақат илғор фермер, балки туман кенгаши депутати сифатида ҳам кўпгина хайрли ишларга бош-қош, — дейди Қамаши тумани ҳокими Рашид Муҳаммадиев. — Юксак мукофот барчамизни тўлқинлантириб юборди. Бунга жавобан яна ҳам кўпроқ меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишимиз керак.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

***Суратда**: вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Исоқ Аҳмедов Ўзбекистон Қаҳрамонига табрик телеграммаларини топширмоқда.*

Муаллиф олган суратлар

Ортбошимизга раҳматлар айтаман. Истиқлол туфайли юзага чиқдим, «Меҳнат шуҳрати», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвонига сазовор бўлдим.

Хушхабарнинг қаноти бор, дейди халқимиз. Абдимурат Базаровга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги ҳақидаги хабар яшин тезлигида тарқалди. Қаҳрамон билан учрашиб, табриклаш мақсадида эрта тонгда йўлга чиқдик. Фермер хўжалигига етиб борганимизда вилоят ҳокими Зафар Рўзиев Абдимурат Базаровни юксак мукофот билан қутлаётган экан.

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Исоқ Аҳмедов ҳам қўлида гулдаста-ю совға-саломлар билан фермер даласига ташриф буюрди. Фермерга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева ҳамда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабовларнинг табрик телеграммаларини топширар экан, қаҳрамонга соғ-саломатлик, хайрли ишларида муваффақият тилади.

— Ортбошимиз хўжалигимизда бўлган чоғларида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш давр талаби эканлигини, шунингдек, бугунги ёшлар ҳақида илиқ фикрлар билдириб, ҳозирги авлод анчайин билимли ва зукко эканликларини таъкидлагандилар. Бу эса ҳар бир йигит-қиз қалбини қувончга тўлдирди. Ортбошимиз истаганларидек, ёшларимиз айни пайтда ишлаб чиқаришнинг олдинги сафларида боришмоқда. Қурилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги турар жойлар қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириб юборди. Икки фарзандим барча қулайликларга эга бўлган замонавий уйларда яшаяпти. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидандир.

Бугун фермер хўжалиги раҳбари чорвачилик ва баликчиликни йўлга қўйиш борасида катта ишларни амалга ошираяпти. Лизинг асосида олинган техника воситалари дала ишларини енгиллаштирмоқда.

Абдимурат Базаров катта оиланинг сардори. Турмуш ўртоғи Роҳила Маҳмудова билан саккиз нафар фарзандни тарбиялаб, элга қўшди. Бир-биридан ақлли ва ишчан фарзандлари — Бахтиёр, Шерзод, Дилшод, Назокат, Бекзодлар отасига қанот бўлиб, фермер хўжалигини янада ривожлантиришни мақсад қилиб, самарали меҳнат қилишаётир. Қизи Шарофат — ўқитувчи. Шоира — уй бекаси. Нафосат эса Қарши Давлат университети талабаси.

— Абдимурат Базаров нафақат илғор фермер, балки туман кенгаши депутати сифатида ҳам кўпгина хайрли ишларга бош-қош, — дейди Қамаши тумани ҳокими Рашид Муҳаммадиев. — Юксак мукофот барчамизни тўлқинлантириб юборди. Бунга жавобан яна ҳам кўпроқ меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишимиз керак.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

***Суратда**: вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Исоқ Аҳмедов Ўзбекистон Қаҳрамонига табрик телеграммаларини топширмоқда.*

Муаллиф олган суратлар

Орамиздаги одамлар



Ўз юртини, халқини юракдан яхши кўрган, унинг қувончидан қувонган, оғриғидан оғриган одамдагина туйғулар уйғоқ бўлади.

Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонини ўқиётиб, тақдирланганлар сафида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссархон Қодированинг номини ўқиб қувониб кетдим. У давлатимизнинг юксак мукофоти «Шуҳрат» медали билан тақдирланибди. Фидойи ва ташкилотчи бу аёлни узоқ йиллардан бери танийман. Аввало, у бажараётган ҳар бир юмушидан элга қандай наф келишини ўйлайди ва она халқига меҳри, қолаверса, тармоқ ходимлари олдидаги масъулиятини юракдан ҳис қилади.

Муяссархонни юксак мукофот билан қутлашга шошилдим. У камтарлик билан мукофот заҳматкаш тармоқ ходимларининг меҳнатига, қолаверса, касаба уюшмаси тизими фидойиларининг эзгу ишларига берилган эътироф эканлигини қайта-қайта таъкидлади. Пировардида шундай деди:

— Юксак мукофот қулфи дилимни очиб юборди. Президентимизнинг «Ватаним нима берди деб эмас, балки мен Ватанимга нима бера олдим, унинг тинчлиги, фаровонлиги, келажаги учун нима қилдим, деб яшаш керак», деган даъватлари юрагимда акс садо бергандек бўлди. Тўғри-да, Ватан бизнинг саъй-ҳаракатларимиз, меҳр, садоқатимиз билан обод ва кўркамдир. Шу боис ҳар биримиз кундалик хатти-ҳаракатларимиз билан миллат келажагига қай даражада наф келтираётганимизни ўйлаб кўрмоғимиз лозим. Қай томонга қараманг, бугун касаба уюшмалари ташаббуси билан амалга оширилаётган эзгу ишлар инсон қадр-қимматига қаратилган. Бугун тизимда ҳамма «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган ғояни қалбига жо этиб меҳнат қилмоқда.

Муяссархонннинг ЎзКУФ Хотин-қизлар кенгаши аъзоси, Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси сифатида амалга ошираётган ишлари ҳам мақтовга сазовордир. Комиссия раиси сифатида воҳа хотин-қизларининг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳнат бозоридаги рақобатда улар манфаатини ҳимоялаш, хавфсиз меҳнат шароити, иш берувчининг уларга адолатли муносабатда бўлишини таъминлаш масалаларида фаол иштирок этганлиги учун яқинда у ЎзКУФКнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Кенгаш сўнгги йиғилишида у айтган сўзлар ёдимга тушади:

— Президентимизнинг «Ҳар қандай жамоани, ҳар қандай жамиятни аввало аёллар обод этади», деган сўзларидан ҳамиша илҳомланиб яшайман ва зиммамдаги вазифаларни астойдил бажаришга ҳаракат қиламан. Аслида, биз аёлларнинг ҳар биримиз миллат юзидаги нур, қалбидаги офтобдирмиз.

Мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқи Конституция, Оила, Меҳнат кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳимояланган. Аёллар ҳуқуқларини эътироф этиш бўйича жаҳон миқёсидаги асосий ҳужжатлардан бири — Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция талабларининг вилоятда амалга оширилиши юзасидан ВКУТБ ҳамда вилоят адлия бошқармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, мазкур ташкилотлар билан кўплаб семинар ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Муяссархоннинг бевосита ташаббуси билан комиссия мутасадди идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида аёлларнинг иш билан бандлик даражасини ошириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда янги ташкил қилинган иш ўринларида ишлаётган хотин-қизларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Термиз шаҳри ва туманида ажойиб тадбир ўтказилди. «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида 4748 нафар аёлга ўз салоҳиятини баҳолаб олишига кенг имконият яратиб берилди. 2918 нафар аёл касаба уюшмалари тамонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Ангор педагогика касб-ҳунар коллежида ташкил этилган бадиий гимнастика тўгарагида спорт билан шуғулланаётган 10 нафар қизга махсус спорт кийимлари совға қилингани ҳам ибратга лойиқ иш бўлди.

Комиссия ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда корхона, ташкилот ва муассасаларда «Соғлом она — соғлом келажак», «Соғлом ва мустаҳкам оила — мамлакат барқарорлиги гарови», «Оила маънавияти», «Соғлом оила — соғлом зурриёд», «Соғлом оила» мавзуларида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, аёллар учун якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 1140 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Кўзда тутилган тадбирлар ижроси жараёнида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маданий-маърифий учрашувлар, жонли мулоқот, суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар доираси тобора кенгайди. Яна бир ибратли жиҳат, бу меҳнат жамоалари орқали кўрсатилаётган ғамхўрлик доираси йил сайин кенгайиб бораётганлигидир. Масалан, бугунги кунда бирлашма ҳамда Республика кенгаши вакилликлари ва бошланғич ташкилотлари тасарруфида 476 минг 494 нафар хотин-қизлар фаолият олиб бормоқда. Жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари орқали 4 ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилган. Зарарли шароитларда ишлаётган аёллар махсус кийим-бош, сут маҳсулотлари билан таъминланган. Муҳими, ойлик иш ҳақининг 20 фоизигача даромад солиғи ундирилишида имтиёзлардан фойдаланмоқда. 2 ёшга тўлмаган боласи бор ишловчи аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, ҳар 3 соатда болани овқатлантириш учун 30 дақиқадан танаффус белгиланган. Ишлаётган аёлларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, иш жойларида санитария-гигиена ҳолатларини таъминлаш борасидаги қонун талабларига мувофиқ, иш берувчилар олдига 36 та таклиф киритилиб, ижобий натижаларга эришилди.

Муяссархон қувониб сўзлайди. Сўзларидан воҳа аёлларининг кайфияти-ю истиқлол берган бетимсол шукуҳи акс этади.

— Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганлиги, айниқса, қувончли ҳолдир. Улар қонун доирасидаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тобора теранроқ англаб боришмоқда. Бирлашма кенгашида ҳуқуқий маслаҳатхона ва «Ишонч телефони» орқали 54 нафар хотин-қизга ҳуқуқий маслаҳат берилди ва ёрдам кўрсатилди. Аёллар меҳнатига муносиб ҳақ тўланиши, қўшимча имтиёзлар берилиши, уларнинг ҳуқуқий маданиятларини ошириш, маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларда иштирок этиши учун имкониятларнинг кенгайтирилиши масалалари киритилишига эришиш ва белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш чоралари кўрилмоқда.

Қадам-бақадам, лаҳза сайин янгиланиб, яшариб бораётган мустақил Ватанимизнинг истиқболи Муяссархондек оташнафас ва ташаббускор аёлларнинг тафаккури, меҳнати ва шижоати билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, Ватанга муҳаббат ва теран тафаккургина инсонни камолот чўққисига олиб чиқади.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Ғамхўрлик

Фарғона вилоятида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшма ташкилотлари томонидан педагог ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларни мазмунли дам олдириш ва соғломлаштириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Яхши дам – меҳнатга ҳамдам

Соғлом бола йилида педагог ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, соғломлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилган. Халқ таълими муассасаларида ишлаб келаётган педагог ходимлар учун республикамизнинг турли сиҳатгоҳларига 455 та йўлланма ажратилди. Чунончи, Фарғона шаҳар касаба уюшмалари тизимидаги сиҳатгоҳларда 85 нафар ходим соғлигини тиклади. Уларнинг 4 нафари бепул йўлланмага эга бўлди.

Тармоқ касаба уюшмаси Бешариқ туман кенгаши томонидан 15 та умумтаълим мактаби, спорт мактаби, «Баркамол авлод» маркази, компютер хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи сингари муассасаларнинг 680 нафар ходими Андижон, Наманган вилоятларидаги қадамжоларга олиб борилди ҳамда вилоятдаги «Етти булоқ», «Саткак», «Водил боғи» каби сўлим гўшаларда дам олдирилди. Шунингдек, педагог ходимларнинг 106 нафари «Зомин», «Ботаника», «Чинобод», «Ўзбекистон», «Рапқон», «Қизилтепа», «Чимён» сингари сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади. Бугина эмас, Олтиариқ туманидан 60 нафар, Қува туманидан 76 нафар, Тошлоқ туманидан 114 нафар, Фарғона туманидан 128 нафар, Ўзбекистон туманидан 70 нафар ходимга турли санаторийларга йўлланмалар ажратилди.

— Касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишларини, хусусан, ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини такомиллаштириш борасида изчил саъй-ҳаракат олиб борилмоқда. Мақсад эса аниқ — педагог сифатида меҳнат қилаётган аъзолар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини қўллаб-қувватлаш, уларни соғломлаштириш ва баркамол авлодни вояга етказишда меҳнат қилишлари учун муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборатдир, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Лола Аҳмедова.

Дарвоқе, жорий йилда вилоятда туризмни ривожлантириш борасидаги режа дастурга асосан педагог ходимларнинг 500 нафари, талаба ёшларнинг 80 нафари «Касаба сайр» шўъба корхонаси, «Водий сайёҳ» ҳамда «Ҳаво сайёҳ» корхоналари билан ҳамкорликда юртимизнинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойларига саёҳатга олиб борилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири


Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Соҳа ходимлари ва серқуёш юртимиз аҳлини Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик шодиёнаси билан муборакбод этади!

Эл-юрт равнақи, порлоқ келажагимиз йўлида фидокорона меҳнат қилаётган бунёдкор халқимизга энг эзгу ва самимий тилакларимизни билдирамиз.

23 йил

Тинчлик, омонлик доимий ҳамроҳимиз бўлсин!



Ishonch
2014-yil 28-avgust № 105-106 (3455)

ШУДИР БАХТ, АЗИЗ ИНСОН!

Бош узра мовий осмон,
Ён-атроф жаннат макон,
Эркинсан озод юртда —
Шудир бахт, азиз инсон.

Меҳнатинг роҳат бўлмиш,
Изланиш одат бўлмиш,
Орзу ижобат бўлмиш —
Шудир бахт, азиз инсон.


Карвон зўр, манзил аниқ,
Олганмиз ўзни таниб,
Ўзлик кутилган мантиқ —
Шудир бахт, азиз инсон.

Тўрт фасл — қўш-қўш баҳор,
Бунинг ҳам сабаби бор,
Юз ёруғ, дил беғубор —
Шудир бахт, азиз инсон.

Не қилсак, виждон кафил,
Ор-номус, иймон кафил,
Шу замин, осмон кафил —
Шудир бахт, азиз инсон.

Маҳмуджон ҚУРБОН,
меҳнат фахрийси

■ Саёҳат



Таассуротлар бир олам

«Хоразмавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти касаба уюшма қўмитаси Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан тасарруфдаги корхоналар ишчи-ходимларининг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳатини уюштирди. Саёҳатчилар ташриф чоғида муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш билан бирга, олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

Ишчи-ходимлар саёҳатдан бир олам таассурот билан қайтди. Шундай бетакрор юртда туғилиб ўсганлиги ва яшаётганлигидан фахрланиш туйғуси дилларимизни янада равшан қилди. Айни пайтда аждодларимизга муносиб авлод бўлиш, юртимизда бугунги кунда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида янада фаол қатнашиш иштиёқи дилларимизни жунбушга келтирди.

Шарофаддин АҲМЕДОВ,
«Хоразмавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти касаба уюшма қўмитаси раиси

■ Дил изҳори

Таҳририятга мактуб йўллашимдан мақсад, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туман Марказий шифохонасининг фидойи ходимларига миннатдорлик билдиришдир.

Миннатдорман

Яқинда оғир жароҳат олиб, ушбу шифохонанинг травматология бўлимига даволаниш учун келдим. Аввало, бўлимда кўп йиллардан бери беморларга яқиндан ёрдам бериб келаётган тажрибали шифокор Маматқул Ходжиназаровни тилга олмоқчиман. Уни туман аҳли ниҳоятда ҳурмат қилади. Маматқул ака шифохонада даволанаётган беморларга ширин муомаласи билан шифо улашади. Унинг самимийлик билан беморлар кайфиятини кўтарганига кўп гувоҳ бўлдим.

Тез кунда шифо топишимга сабабчи бўлган шундай заҳматкашлардан Махсуда Арслонова, Оля Арзиматова, Зиёда Абдалимова, Динара Адилова, Дилдора Ҳамдамова, Гулсара Асатуллаевага ҳам ташаккур айтаман.



Эътиборга лойиқ жиҳатлардан бири — Марказий шифохона дарвозасидан кирган кишини ўзига ром қиладиган, кайфиятни кўтарадиган гўзал гулзордир.

Неъмат Арслонов бошчилик қилаётган ушбу жамоа аъзоларига мустақил Ўзбекистонимизнинг 23 йиллиги арафасида соғлик-саломатлик ва улкан муваффақият тилайман.

Илдар САЙФУЛИН,
касаба уюшма фахрийси



Бандлик

— 2013 йилда «Микрокредитбанк»нинг Тошлоқ тумани филиалидан 12 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, замонавий тикув машиналарини харид қилдик, — дейди «Зияева Гулноза» ўқув маркази раҳбари Гулноза Зияева. — Юртимизда оилавий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида қизларимиз ўртасида ҳунар ўрганишга бўлган қизиқиш ортмоқда. Айни пайтда марказимизда 10 нафар тикувчи бўлиб, 50 нафардан ортиқ шогирд қизлар мустақил равишда иш юритяпти.

ҚЎЛИ ГУЛ ЧЕВАРЛАР

Эндиликда тошлоқлик чевар қизлар бир неча турдаги кийим-кечаклар, элита пардалар тайёрлаш ҳадисини олиб, мижозлар кўнглига йўл топиб улгуришди. Ўқув маркази чеварлари тиккан миллий либослар бежиримлиги, сифатлилиги билан барчага манзур бўлмоқда.

Тадбиркор Гулноза Зияева ҳар йили ўтказиладиган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг туман, вилоят босқичи совриндори ҳисобланади.

Бугунги кунда марказда тумандаги касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари бўлган 55 нафар ҳунарманд қизлар чеварликнинг сир-асрорини қунт билан ўрганишаяпти.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

■ Газаллар

* * *

Дейдиларким, то абад ой кўксидан
доғ кетмагай,
Боғ яратган бўлса ҳам боғбон кетар,
боғ кетмагай.

Ким муҳаббат дардига мубтало бўлмиш,
билинг,
Дарди ишқ Мажнун этар, ишқ саҳнидан
соғ кетмагай.

Қанча қушлар қиш кетиб, ёзда қайтарлар юртига,
Ёз ўтиб, куз келмаса гулдаги япроқ кетмагай.

Қайга бормоқ истасанг етказар бешак оёқ,
Бош агар бошламаса ўзича оёқ кетмагай.

Дейдилар, дунёга келгай бани одам бегунох,
Мирза, афсус бу жаҳондан ҳеч
ўшандоғ кетмагай.

* * *

Ватан, ҳар битта заррангни муқаррар
ардоқлагум,
Муқаддас, мўътабар номингни юракда
сақлагум.

Ватанни васф айламак инсон учун юксак
шараф,
Десалар, куйла Ватанни булбулдек
чах-чахлагум.

Дилимга қутқу солмас мақтаниш ҳисси,
эй рафиқ,
Ўзимни эр чоғласам, ўзгаларни шер
чоғлагум.

Башар авлодига волидадек бир меҳрибон
қайда,
Ишон, эй меҳрибон она, оқ сутингни
оқлагум.

Ватан обод, кўнгил обод эса одам
бахтлидир,
Дегил, Мирзо, бу Ватанга мангу кўнгил
боғлагум.

Мирза ҚАЙНАРОВ,
касаба уюшма фахрийси

ГУЛЛАР

(Қатра)

Гул — гўзаллик, соғинч, муҳаббат тимсоли. Дастадаста гулларни бағрига босиб турган инсон энг бахтиёр чоғларини бошдан ўтказаётган бўлади.

Гўзал Баҳорой ер бағридан қор кетмай туриб ўзининг зеби-зийнати бўлган бойчечаклари-ю лолақизғалдоқларини кўз-кўз қилади. Момоқаймоқлари-ю ялпизларини борлиққа ёяди.

Оналар фарзандларини 1-синфга гуллар билан кузатади. Мактаб ҳовлиси гулларга безанади...

Ўзбек хонадони борки гул экилади. Ҳовлисида ифор ўйноқлайди. Райҳон ҳидлари уфуради.

Энг катта совғаям гул.

Тўй куни ҳам куёв ва келин устидан бахт, омад бўлиб гуллар сочилади. Гуллар билан гўшангага кузатиб қўйишади.

Кўчалардан одамлар гуллар кўтариб ўтишади... Гул эмас, гўё бахтни кўтариб ўтишади...

Абдураҳим БОЗОРБОЕВ

Адолат бор...

Менга имтиёзли пенсия тайинланган эди. Яқинда бўлган текширув натижасида ушбу нафақанинг нотўғри тайинлангани ҳулоса қилиниб, 4 йил мобайнида олган имтиёзли пенсиямни қайта тўлашим лозимлиги хусусида огоҳлантирилдим. Яхши одамлар таҳририятга хат йўллашни маслаҳат беришди. Мурожаатим юзасидан «Ishonch»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири О.Мамутов журналистик текширув ўтказди. Иш Чимбой туманлараро фуқаролик судигача етиб борди ва суд ҳулосаси бўйича имтиёзли пенсия тўғри тайинланган, деб топилди. Бунинг учун ҳақиқатни тиклашда яқиндан ёрдам берган таҳририятга миннатдорлик билдираман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизда омад, оилангизга бахт-саодат тилайман.

Қ.ЖУМАНАЗАРОВ
Кегейли тумани

■ Тиббиёт

Инсон учун саломатликдан қимматроқ бойлик йўқ. Айниқса, фарзандингиз касалланиб қолса, дунё кўзингизга тор кўриниб кетиши ҳам шундан. Шу десангиз, қизимиз Самия 8 ойлигида қаттиқ оғриб қолди. Чираниб йиғлайди, тилига тушунмаймиз. Болани педиатр ҳузурига олиб бордик.

Фарзандим – жигарбандим

Педиатр Андижон шаҳри Фурқат кўчасида жойлашган 2-болалар шифохонасига йўлланма берди. Қизим қаттиқ қабзият туфайли безовта бўлган экан. Шифохонада болалар шифокори Тўланбой Воҳидов назоратида бир ҳафта даволанди. Уч кундан сўнг яна кулиб, ўйнаб қолганини кўриб, дилимиз ёришди.

Шу уч кун мобайнида кўнглимиздан ўтган кечинмаларни таърифлай олмайман. Менинг қизим-ку оддий қабзиятдан шунчалик азоб чекди. Турли оғир касалликни бошидан кечираётган гўдакларга, уларнинг яқинларига, қолаверса, бемор бола бошида парвона бўлаётган меҳрибон шифокорларга қанчалик мушкуллигини тасаввур қилиш қийин эмас.



Юртбошимиз томонидан мазкур йилнинг Соғлом бола йили дея номланган ҳам бежиз эмас. Бола соғ-саломат бўлса, оилада хотиржамлик бўлади. Иш-юмуш ҳам олдига босади. Шу сабаб соғлиқни сақлаш соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт муассасалари таъмирдан чиқарилаётир.

Биз рафиқам билан шифохонадан қайтар эканмиз, қизимдаги бу ҳолат яна такрорланмаслиги учун шифокоримиз Тўланбой Воҳидовдан маслаҳат сўрадик.

— Бир ёшгача бўлган болаларни парвариш қилаётган оналар ҳеч қандай парҳез қилмасдан тўлақонли овқатланишга катта аҳамият беришлари зарур, — деди у. — Бу она сутининг етарли миқдорда углевод, ёғ ва оқсиллар билан таъминланишига имкон беради. Ушбу маҳсулотларнинг она сутида етишмаслиги болада қабзиятнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Баъзи оналар «фарзандимнинг ичи бузилади», деган ҳадикда ўзини мева-чевадан тияди. Бу — нотўғри. Сифатли, яхши пишган, ювиб истеъмол қилинган мевалар она учун ҳам, бола учун ҳам фойдалидир.

Рафиқам шифокорнинг ушбу маслаҳатларига қулоқ тутиб, сифатли овқатланишга эътибор бермоқда. Чунки қизимизнинг соғлиги биз учун жуда муҳим.

Эркинжон ҚОБИЛОВ,
«Уз Донг-Жу ПэинтКо» қўшма корхонаси тара цехи ишчиси



Марҳабо Давронова Муборак туманидаги 28-ихтисослаштирилган мактабни битириб, Қарши санъат коллежининг тасвирий санъат йўналишига қабул қилинди. У тасвирий санъат бўйича 4-синфдан буён турли фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келади. Муштарийларимизга у чизиб юборган суратлардан намуналар ҳавола этамиз.



■ Касаба уюшмаси — болаларга

Юртимизнинг барча гўшаларида «Ягонасан, мустақил Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида байрам тадбирлари давом этмоқда. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши томонидан 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида тармоқ ташкилотларида фаолият кўрсатаётган эҳтиёжманд оилалар ҳамда фарзанди ногирон ходимларнинг болалари учун «Биз мустақил Ватаннинг бахтли фарзандларимиз!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

БАХТЛИ ФАРЗАНДЛАР УЧУН

«Касаба уюшмаси — болаларга» акцияси доирасида ташкил этилган ушбу учрашувга 110 нафар тармоқ ходимларининг фарзандлари таклиф этилди. Тадбир Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, ёш авлод келажаги йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги филм намойиши билан бошланди.

Меҳнат фахрийлари — фалсафа фанлари доктори, профессор Гулчеҳра Наврўзова, спорт устаси Мавлон Қаюмов болаларга «Ким эдигу, ким бўлдик?» мавзуида ўз фикр-мулоҳазаларини тўкиб солган бўлса, енгил атлетика бўйича Осиё чемпионати совриндори, «Универсиада — 2014» спорт ўйинларида олтин медални қўлга киритган Александр Саидов юртимизда ёшлар учун яратилган шароитлар, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида сўзлаб берди. Вилоят 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг мусиқий, Бухоро шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларининг кўргазмали чиқишлари, вилоят қўғирчоқ театри санъаткорларининг байрам дастури барчада катта таассурот қолдирди. Тадбир якунида шаҳар кенгаши томонидан болаларга ўқув қуроллари совға қилинди.

Дилафрўз АРАЛОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

«GISSARNEFTGAZ» МЧЖ ҚЎШМА КОРХОНАСИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Юртдошларимизни энг азиз ва энг улуғ байрамимиз – 1 сентябр – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги куни билан самимий муборакбод этади!



Оққўнгил ва бағрикенг инсонлар яшайдиган гўзал диёримизга асло кўз тегмасин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ishonch
2014-yil 28-avgust № 105-106 (3455)

Август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр

Жиззах вилоят ҳокими, вилоят Фермерлар кенгаши раиси ва бир гуруҳ фаолларнинг барча фермер хўжаликлари раҳбарларига мурожаати воҳа деҳқонлари томонидан дастуруламал сифатида қабул қилинди.

Ниҳоллар дуркун

Аввал бошданоқ ғўзаларни чеканкалаш бирламчи вазифалардан бири этиб белгиланди. Бунда техника билан бирга ишчи кучидан унумли фойдаланишга эътибор қаратилди. Ғўзанинг чилпинган қисми дала четига чиқарилиб, кўмиб ташланаяпти. Бу билан кўсак қуртининг узилган жойга қўйган уруғини йўқотишга эришилмоқда. Биолабораторияларда етиштирилган трихограмма, хабрабракон ҳашаротлари ҳам жуда қўл келаётир.

Сувчилар нафақат ўқариқлар оралиғини, балки улар орасидаги масофани ҳам қисқартирган ҳолда суғоришаяпти.

Ғўза парваришида муҳим агротехник тадбирлар амалга оширилаётганлиги учун ниҳоллар дуркун, калтабўғин бўлиб ривожланмоқда. Шона ва гуллар пастки шохлардан юқори шохлар томон шаклланиб улгурди.

Фермер хўжалигимиз кўп тармоқли бўлиб, чорвачиликни ҳам ривожлантираяпмиз. Айни пайтда 70 бош қорамол, 350 бош қўй ва эчки парваришлаяпти. Бу билан 18 та янги иш ўрни яратдик.

Жорий йилда 40 гектар майдонга «Порлоқ-2» навли пахта экканмиз. Ҳосилдорликни гектарига қирқ центнерга етказишни кўзлаб турибмиз. Агротехник тадбирлар маромида ўтказилаётгани, август ойида ҳам ғўза парвариши сусайтирилмаётгани туфайли пайкалларда мўл ҳосил тўпланаяпти.

Анорбой ЭШМАТОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Пахтакор туманидаги «Анвар-А» фермер хўжалиги раҳбари, вилоят Фермерлар кенгаши раиси

Айни дамлар деҳқонларимиз учун энг масъулиятли давр. Сабаби, август ойида пахта ҳосили тақдири ҳал бўлади. Йўл қўйилган биргина хато эрта кўкламдан то шу кунгача қилинган меҳнатни чиппакка чиқариши ҳеч гапмас. Юксак хирмон яратмоқчи бўлган деҳқон ҳосил нишоналарини асраб-авайлаб, унинг салмоғини ошириш, ёнига кўсаклар қўшиш умидида бўлади. Тунни-кунга, кунни-тунга улаб ғўзасининг бошида парвона бўладиган деҳқон бу ойда икки баравар кўп ишлайди.

Биологик усул

Тажрибадан маълумки, ғўза зараркунандаларига қарши ўз вақтида курашилмаса, ҳосилнинг катта қисми нобуд бўлади. Биологик усул бу борада энг самарали йўл ҳисобланади. Унинг афзаллиги фақат нархи арзонлигида эмас, балки инсонлар саломатлиги, атроф-муҳит мусаффолиги учун мутлақо безарарлигидадир. Биолабораториямиз бу борада фермерларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Жамоамиз асосан Қумқўрғон туманидаги фермер хўжаликларига ва қўшни туманлардаги деҳқонларга хизмат кўрсатади. Бугунгача ғўза зараркунандаларига қарши курашишда қўлланиладиган 10 килограмм трихограмма, 10 миллион донадан ортиқ олтинкўз ва бракон етиштириб, фермер хўжаликлари пайкалларига чиқардик.

Айни дамда ҳароратнинг бироз пасайгани кўсак қурти капалаклари уруғ қўйишига ва уларнинг ривожланишига шароит яратади. Бунинг олдини олиш мақсадида тегишли чоралар кўрилмоқда. Жумладан, ғўза шохларига ферамон тутқичлар илиб чиқилди. Уларга капалакларни жалб қиладиган ҳидли суюқлик чапланган бўлиб, бу ҳашаротлар учун самарали тузоқдир. Она табиатга, инсонлар соғлиғига таъсир этмайдиган усул фермерларга ҳам маъқул бўлмоқда.

Пахта — миллий бойлигимиз. Мўл ҳосил етиштиришда фермерларимизга яқиндан ёрдам бериб, ана шу бойликни кўпайтиришга ҳисса қўшиш барчамизнинг бурчимиздир.

О.РАҲМОНҚУЛОВ,
Қумқўрғон туманидаги «Бешқаҳрамон» биолабораторияси мудири

■ Бу гўша — азиз гўша

Она юрт — мисоли улкан
бир чинор,
Жону дилдан унга пайванд
эврумиз.
Бутун ер юзида машҳур,
бетакрор
Шу қадим диёрга фарзанд
эврумиз...

Бетакрор ва бағрикенг диёр

Минг йиллар давомида ўзбек халқи билан уйғурлар дўст, биродар бўлиб яшаб келган. Халқларимизнинг ўзаро иқтисодий-маданий, адабий алоқалари Буюк Ипак йўли тикланишидан анча авваллароқ бошлангани тарихдан маълум.

Ўзбек ва уйғур халқларининг этник яқинлиги дунё олимлари томонидан тан олинган. Буни уларнинг тили ва урф-одатларидаги яқинлик яққол кўрсатиб туради. Уйғур тили қадимий туркий тилга хос сўзлар кўплиги билан ажралиб туради. Ёзуви ўзгармаганлиги учун уйғур тили бир неча аср муқаддам қандай бўлса, шундай сақланиб қолган.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани «Ким Пен Хва» маҳалласида яшовчи уйғур миллатига мансуб юртдошларимизнинг турмуш тарзи, маданияти билан яқиндан танишиб, бу ҳақиқатга яна бир карра амин бўлдим.

Уйғур миллий-маданий маркази

Марказ фаолиятининг бошланиши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Х.Худойбердиев номи билан боғлиқ. У марказ ишини уйғур тили, маданияти, қўшиқ ва рақс санъати, халқ ижоди, миллий таомларини ўрганиш ва тарғиб қилиш орқали олиб борган. Марказ қошида ансамбл тузиб, уйғур зиёлиларининг таниқли вакиллари билан мунтазам учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланган.

Марказ таркибида пойтахтимиз туманларида, Тошкент, Андижон ва Сирдарё вилоятларида тузилган уйғур миллий марказлари фаолият юритади .

Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб миллатлараро тотувлик, бағрикенглик сиёсатини юргизиб келаётганлигини уйғур халқи тақдири мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бугун Пахтаобод туманининг Уйғур, Асака туманининг Ахтачи, Олақанот, Шаҳрихон туманининг Дўлан қишлоқлари ва Андижон шаҳрида уйғурлар эмин-эркин яшаб, Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланиб келмоқда.

Юртимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган уйғур миллатига мансуб олимлар талайгина. Шулардан бири тарих фанлари доктори, хитойшунос-синолог Аблат Хўжаевдир. У 230 дан ортиқ илмий мақолалар, 10 та монография ва кўплаб китоблар муаллифи. Кўп йиллардан буён Буюк Ипак йўли тарихи бўйича тадқиқотлар олиб боради. Айни пайтда 4 йўналишда, яъни «Халқаро муносабатлар тарихи», «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи», «Уйғурларнинг қадимий тарихи» ва «Хитой тарихи манбаларидан Ўзбекистон тарихига оид манбаларни ўзбек тилига таржима қилиш бўйича» тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Хронологик нуқтаи назардан қараганда, олим шуғулланган давр энг қадимги замондан ҳозирги кунгача бўлган вақтни ўз ичига олади.

— Инсон қаерда эмин-эркин, бахтли яшаса, илдиз отиб палак ёзса, ана шу ер унинг ватанидир, — дейди тарих фанлари доктори А.Хўжаев. — Юртимиздаги бошқа миллат ва элатлар қаторида уйғур миллатининг ҳам ўз урф-одатлари, маданияти, бетакрор санъатини асраб-авайлаб келаётгани ва бундан бошқаларнинг-да баҳраманд бўлаётганини кўриб, тўғриси, шундай бағрикенг юртнинг фарзанди эканлигимдан юрагим фахрга тўлади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона».

Эътироф сири

Қувонч билан айтиш керакки, юртимизда истиқомат қилиб келаётган уйғурлар ҳам ўзларининг меҳнатсеварлиги, ратувчанликка бўлган кучли иштиёқи билан эътирофга лойиқ. Улардан бири Нурмуҳаммад Содиқовдир. У ўз саъй-ҳаракатлари билан ажойиб боғ яратган. Турмуш ўртоғи Махфират Содиқова билан 3 ўғил, 1 қизни тарбиялаб вояга етказди. Нурмуҳаммад ақанинг катта лимонзори ҳам бор. Ушбу аҳил ва ибратли оила чорвачилик ва паррандачилик билан ҳам шуғулланиб, қўй, курка ва товуқ боқади. Уларнинг меҳнатидан нафақат оиласи, балки эл дастурхони ҳам тўкин.

(Давоми 8-саҳифада).

Реклама ва эълонлар

ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ 22-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи: **ЛОТ-1**

ЛОТ 1.1. Фарғона вилояти Бағдод туманидаги «Бағдод» насос станциясини реконструкция қилиш ишлари .

Муддати — **90 кун.**

Бошланғич нархи — **200 000 000 сўм ҚҚС билан; 166 666 666 сўм ҚҚС киз.**

ЛОТ 1.2. Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги «КФК-СШК-1» насос станциясини реконструкция қилиш ишлари.

Муддати — **90 кун.**

Бошланғич нархи — **130 000 000 сўм ҚҚС билан; 108 333 333 сўм ҚҚС киз.**

Манзил: Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси 92-уй, тел.(373) 244-70-85.

Лойиҳалаш ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: лойиха-пешҳисоб ишларини бажариш бўйича тажрибаси борлиги, махсус лицензияга эга бўлиши, меҳнат ресурслари ва мутахассисларга эгалиги, шартнома тузишга лаёқатли ҳуқуқига эгалиги, ўхшаш объектларда иш тажрибасига эгалиги, ўтган даврларда бажарилган лойиха-пешҳисоб ишлари, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз лойихачиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373) 244-55-32.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 92-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорлари ҳамда «2512 AVTOJAMLANMA» ДУКнинг 2014 йил 4 августдаги 81-сонли буюртманомасига асосан, «2512 AVTOJAMLANMA» ДУКга тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, «Уйғур» кўчаси, 487-а уй манзилида сақланаётган қуйидаги носоз юк ташиш автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. З-431610 русумли, д/р 10 AY 161 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б – 5 466 458,04 сўм. 2. З-431610 русумли, д/р 10 AY 163 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б – 11 964 699,15 сўм. 3. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AK 801 бўлган, 1981 йилда и/ч а/в. Б/б – 10 079 758,97 сўм. 4. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AK 802 бўлган, 1981 йилда и/ч а/в. Б/б – 4 947 172,03 сўм. 5. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AR 025 бўлган, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б – 3 903 508,53 сўм. 6. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AY 170 бўлган, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б – 3 768 556,94 сўм. 7. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AR 021 бўлган, 1983 йилда и/ч а/в. Б/б – 7 328 641,42 сўм. 8. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AK 796 бўлган, 1980 йилда и/ч а/в. Б/б – 7 370 969,49 сўм. 9. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AK 797 бўлган, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б – 5 925 714,69 сўм. 10. З – 431610 русумли, д/р 10 AR 019, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б – 5 228 016,53 сўм. 11. З – 431610 русумли, д/р 10 AY 181 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б – 3 990 538,50 сўм. 12. З – 431610 русумли, д/р 10 AY 182 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б – 5 636 552,37 сўм. 13. З – 431610 русумли, д/р 10 AY 183 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б – 9 372 336,05 сўм. 14. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AK 794 бўлган, 1975 йилда и/ч а/в. Б/б – 6 120 791,38 сўм. 15. З-431610 русумли, д/р 10 AY 184 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б – 9 809 652,53. 16. ЗИЛ – 138 А бўлган, д/р 10 AD 054, 1979 йилда и/ч а/в. Б/б – 3 276 714,35 сўм. 17. З – 431610 русумли, д/р 10 AY 185 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б – 10 933 798,91 сўм. 18. З – 431610 русумли, д/р 10 AY 186 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б – 9 575 237,77 сўм. 19. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AD 633 бўлган, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б – 9 234 311,23 сўм. 20. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AY 191 бўлган, 1981 йилда и/ч а/в. Б/б – 8 518 534,58 сўм. 21. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AY 196 бўлган, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б – 5 445 535,19 сўм. 22. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AY 201 бўлган, 1991 йилда и/ч а/в. Б/б – 11 743 874,29 сўм. 23. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AR 018 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б – 6 242 942,81 сўм. 24. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AY 204 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б – 9 507 363,20 сўм. 25. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AD 588 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б – 5 319 414,89 сўм. 26. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AY 207 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б – 5 538 469,43 сўм. 27. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AA 681 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б – 10 502 788,47 сўм. 28. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AY 209 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б – 8 588 305,66 сўм. 29. Г – 5327 русумли, д/р 10 AY 210 бўлган, 1991 йилда и/ч а/в. Б/б – 5 391 118,32 сўм. 30. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AA 693 бўлган, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б – 4 928 902,52 сўм. 31. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AY 238 бўлган, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б – 7 399 105,48 сўм. 32. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AY 240 бўлган, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б – 6 061 401,77 сўм. 33. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 AA 695 бўлган, 1979 йилда и/ч а/в. Б/б – 8 367 306,76 сўм. 34. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AR 030 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б – 8 147 046,72 сўм. 35. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AY 246 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б – 10 129 398,89 сўм. 36. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AY 250 бўлган, 1991 йилда и/ч а/в. Б/б – 9 990 719,40 сўм. 37. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AY 251 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б – 8 220 040,20 сўм. 38. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 AY 253 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б – 3 850 674,36 сўм. 39. Г-2411 русумли, д/р 10 AT 649 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б – 2 493 778,85 сўм. 40. ВАЗ 21 21 русумли, д/р ТНГ 16 54 бўлган, 1990 йил и/ч а/в. Б/б – 4 973 569,10 сўм. 41. ВАЗ 21 21 русумли, д/р 10 AT 760 бўлган, 1990 йил и/ч а/в. Б/б – 6 061 401,77 сўм. 42. МАЗ-5549 русумли, д/р 10 AY 223 бўлган, 1983 йилда и/ч а/в. Б/б – 8 754 929,43 сўм. 43. МАЗ-5549 русумли, д/р 10 AA 692 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б – 5 571 818,48 сўм. 44. МАЗ-5549 русумли, д/р 10 AY 229 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б – 4 352 864,99 сўм. 45. МАЗ-5549 русумли, д/р 10 AY 231 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б – 7 123 114,41 сўм. 46. МАЗ-5549 русумли, д/р 10 AY 232 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б – 4 819 539,96 сўм. 47. МАЗ-5549 русумли, д/р 10 AY 233 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б – 5 534 320,56 сўм. 48. МАЗ-5551 русумли, д/р 10 AR 023 бўлган, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б – 5 740 671,95 сўм. 49. МАЗ-5551 русумли, д/р 10 AY 236 бўлган, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б – 2 408 684,23 сўм.

Савдо 2014 йил 12 сентябр куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 10 сентябр куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2014 йил 12 сентябр куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 26 сентябр, 10, 24 октябр, 7, 21 ноябр ва 5, 19 декабр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 26 сентябрдаги такрорий савдолар учун 24 сентябр куни соат 18:00; 10 октябрдаги савдолар учун 8 октябр куни соат 18:00; 24 октябрдаги савдолар учун 22 октябр куни соат 18:00; 7 ноябрдаги савдолар учун 5 ноябр куни соат 18:00; 21 ноябрдаги савдолар учун 19 ноябр куни соат 18:00; 5 декабрдаги савдолар учун 3 декабр куни соат 18:00; 19 декабр даги савдолар учун 17 декабр куни соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (8-371) 236-38-28. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, «Зохидон» кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган Тошкент шаҳар Ҳамза туман ҳокимлиги тасарруфидаги собиқ поликлиника бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий майдони – 621,0 кв.м.

Бошланғич нархи — 496 816 262 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар Хамза туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, «Фозилтепа» кўчаси, 34-уй манзилида жойлашган, Давлат солиқ қўмитаси тасарруфидаги маиший хўжалик бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 1 831,0 кв.м.

Бошланғич нархи — 1 603 366 230 сўм.

Балансда сақловчи: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

3. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, «Чинобод» кўчаси, 33-уй манзилида жойлашган, Давлат солиқ қўмитаси тасарруфидаги омборхона бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 974,0 кв.м.

Бошланғич нархи — 1 005 610 395 сўм.

Балансда сақловчи: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

4. Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, «Сувчи» даҳаси, «Рохат» кўчаси, «Истиқбол» маҳалласида жойлашган, Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги «Бектемир-Инвест» УК тасарруфидаги қурилиши тугалланмаган собиқ мактабгача таълим муассасаси бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 1 851,0 кв.м.

Бошланғич нархи — 1 021 200 000 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги «Бектемир-Инвест» УК.

Фаолияти ихтисоси: ноишлаб чиқариш техник мақсаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижарага бериш.

Аукцион савдоси 2014 йил 29 сентябр куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «1-Қорақамиш» кўчаси, 1-«А»уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 13, 27 октябр ва 10 ноябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

5. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ибн-Сино мавзеси, 2-уй манзилида жойлашган, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги 2 қаватли савдо дўкони бино-иншооти.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий майдони — 2 219,0 кв.м.

Бошланғич нархи — 2 846 746 221 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «1-Қорақамиш» кўчаси, 1-«А»уй. Тел/факс: (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 30 сентябр куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «1-Қорақамиш» кўчаси, 1-«А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 14, 28 октябр ва 11 ноябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «1-Қорақамиш» кўчаси, 1-«А»уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади! Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи: **«Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Л.Толстой кўчаси, 57даги Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали ётоқхона биносини жорий таъмирлаш»**

Бошланғич нархи — **122 295 981 сўм ҚҚС киз ва 146 755 177 сўм ҚҚС билан.**

Муддати — **45 кун.**

Қурилиш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Кичик бизнес субъектлари учун квота 100%.

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси, 37, тел.(373) 400-52-80. .

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси, 37-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорлари ҳамда «2521 AVTOJAMLANMASI»нинг 05.08.2014 йилдаги 1-1/5-8-сонли буюртманомасига асосан, «TOSHSHAHARYUKTRANS» UYUSHMASI, «2521 AVTOJAMLANMASI"га тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани Паркент 5-тор кўчаси 34-уй манзилида сақланаётган қуйидаги юк ташиш автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

№	Автотранспорт воситасининг русуми	и/ч йил	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси(сўм)	№	Автотранспорт воситасининг русуми	и/ч йили	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси(сўм)
1	ЗиЛ-431610	1989	10 AS284	7 209 000	10	УАЗ-3303	1987	10 AX 625	6 279 000
2	ЗиЛ-431610	1986	10 AS402	7 192 000	11	АСГ ММЗ-4502	1987	10 AS 321	5 059 000
3	ЗиЛ-138АФ	1984	10 AX413	7 530 000	12	ГАЗ-2401	1984	10 AQ 553	6 665 000
4	ЗиЛ-431610	1985	10 BA535	7 186 000	13	ГАЗ-2401	1983	10 AR 232	1 156 000
5	ЗиЛ-431610	1988	10 BA555	7 203 000	14	КАМАЗ-5320	1990	10 AX 555	1 131 000
6	ЗиЛ-431610	1988	10 AX 656	7 203 000	15	КАМАЗ-5320	1990	10 AV 217	11 934 000
7	МАЗ-5549	1988	10 AX 814	5 844 000	16	КАМАЗ-5320	1982	10 AS 561	11 934 000
8	КАМАЗ-5320	1986	01 318 CAA	12 656 000					
9	КАМАЗ-5320	1990	10 AJ 627	11 934 000					

Савдо 2014 йил 12 сентябр куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 10 сентябр куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2014 йил 12 сентябр куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 26 сентябр, 10, 24 октябр, 7, 21 ноябр ва

Ishonch
2014-yil 28-avgust № 105-106 (3455)

Реклама ўрнида

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни юзага келтириш, унинг қон томирлари бўлмиш эркин банк ва молия тизимини шакллантириш энг муҳим ва айни пайтда энг мураккаб вазифалардан бири этиб белгиланди. Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, «Биринчи навбатда иқтисодий негизни барпо этиш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш янги жамият қуришнинг энг муҳим шарти»га айланди. Бусиз демократик бозор муносабатларини юзага келтириш, иқтисодиётни либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, маҳсулот ҳамда хизматлар сифатини яхшилаш ҳисобига аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мумкин эмас эди.

Шу боис ушбу ўта масъулиятли вазифага жиддий киришилди ва тарихан қисқа муддатда давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодиётнинг бутунлай янги йўналиши ва халқаро миқёсда «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган, ёш ва мустақил юртимиз тезкор тараққиёти йўналишини амалда таъминлашга эришилди.

Таъкидлаш ўринлики, юртимизда икки поғонали банк тизими йўлга қўйилганлиги эришилаётган ютуқларимизнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда. Албатта, бунда Республика Марказий банки томонидан тизимни бир маромда бошқариш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги банкларга барқарор фаолият кўрсатишда улкан имкониятлар яратмоқда. Келинг, бу борада юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг фикрини эшитайлик.

Ўзбекистон банк тизими: иқтисодий ислоҳотлар етакчиси

Раҳима ҚЎРҒОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Истиқлолимизнинг дастлабки давриданоқ Ўзбекистон банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга эътибор кучайди. Бевосита давлатимиз раҳбари раҳнамолигида олиб борилган тизимнинг республика пул кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чоратадбирлар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда.

Шу ўринда банк тизимини оқилона бошқариб келаётган Марказий банкнинг жамиятимизда тутган ўрни хусусида алоҳида тўхталиш лозим. Таъкидлаш жоизки, охирги 5 йил мобайнида банк тизими ўзининг иш фаолиятини тубдан ўзгартирди. Банк тизимининг мутасадди ходимлари идорада ўтириб эмас, жойларда, аҳоли билан мулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб, уларга яқиндан амалий ёрдам бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорликни ривожлантириш борасида қабул қилган Фармон ва Қарорлари ижросини халққа етказиш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Ўзим ҳам Марказий банк ходимлари ташкил этган амалий учрашувларда бир неча маротаба иштирок этганман. Тадбиркорларга яратилган имтиёзлар тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилиб, меҳнат ярмаркалари ҳам ўтказилаётир. Коллежларни тамомлаган қизларимиз бандлигини таъминлаш мақсадида тикув машиналарини шу учрашувнинг ўзида тақдим этишмоқда.

Бунинг самарасини кўрадиган бўлсак, минглаб ёшларимиз ўз бизнесига, ўз маблағига эга бўлиб, тадбиркор сифатида юрт иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Эътибор берсангиз, 2008 йилда бошланган глобал иқтисодий инқироз хориж давлатларига катта зиён етказди. Минг-минглаб одамлар ишсиз қолди.

Кўпгина мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан инқироз оқибатларидан қутулиш мақсадида мислсиз миқдорда маблағлар сарф қилинди. Ташқи қарз сиёсатининг нотўғри амалга оширилиши натижасида Греция, Испания, Италия, Ирландия, Португалия сингари евроҳудуд мамлакатларида ташқи қарзлар ЯИМнинг 100 фоизидан ошиб кетиб, бюджет тақчиллиги билан боғлиқ муаммолар ҳали-ҳануз кўзга ташланмоқда.

Яна бир мисол, Буюк Британия инқирозга қарши курашиш учун 1 трлн. доллар сарфлаган бўлса, бу кўрсаткич АҚШда 3,5 трлн. доллар, Германияда 893 млрд. доллар, Россияда 222 млрд. доллар, Хитойда 570 млрд. долларни ташкил этади. Дунё бўйича эса инқирозга қарши курашиш учун 9 трлн. доллар сарфланган.

Шу йилнинг июн ойида пойтахтимизда муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзуига бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияда 40 дан ортиқ мамлакатдан 200 дан ортиқ хорижлик меҳмонлар иштирок этди.

Мазкур конференциянинг очилишида давлатимиз раҳбари жаҳоннинг айрим минтақаларида озиқ-овқат муаммоси билан боғлиқ мураккаб вазиятлар юзага келаётганлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.

Хусусан, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан зиёд киши, яъни ҳар саккиз одамнинг бири очликдан азият чекаётганлиги, бунинг оқибатида 160 миллиондан ортиқ боланинг жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлар кузатилаётгани дунё озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда.

2008-2013 йилларда 22 трлн. сўмдан зиёд кредит маблағлари тадбиркорлар ва ёшларга, 23 трлн. сўмлик кредит маблағлари эса юртимизнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, минглаб юртдошларимизга янги иш ўринлари ташкил этиш учун ажратилган.

Ана шу кредитларнинг ташқи қарзга таянмасдан, ички манбаларни жалб этиш ҳисобига бўлаётгани диққатга сазовордир. Бу банкларимизнинг «банк мижоз учун, халқимиз учун» тамойилига тўла амал қилиб ишлаётганининг амалдаги ифодасидир.

Шунинг учун ҳам хорижнинг нуфузли рейтинг агентликлари юртимиз банк тизими томонидан олиб борилаётган ишларга юқори ва ҳаққоний баҳо бериб келмоқда.

Марказий банк Бошқаруви томонидан ўз вақтида кўрилаётган чора-тадбирлар пухта ўйланган стратегик бошқарув, кадрлар сиёсатининг тўғри йўлга қўйилганлиги, барча давлат дастурларининг ўз вақтида тўлиқ ижро этилаётганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, қайта молиялаш ставкасини камайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юртимиз тадбиркорларига ўз бизнесларини йўлга қўйишларида қулай шарт-шароитлар яратди, десам муболаға бўлмайди. Жумладан, 1996 йилнинг бошида бу кўрсаткич 84 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилнинг 1 январидан қайта молиялаш ставкаси 10 фоизга туширилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида қайта молиялаш ставкаси нисбатан паст бўлишига қарамасдан кредит қўйилмаларининг ўсиш кўрсаткичи 3 фоиздан 10 фоиз оралиғида ўзгариб турган. Ўзбекистонда эса мазкур кўрсаткич сўнгги 10 йил ичида ўртача 30 фоиздан ортиқроқни ташкил этиб келяпти.

Юқоридаги таҳлиллар Ўзбекистонда қайта молиялаш ставкасининг амалдаги даражаси иқтисодиётни кредитлашнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун мақбул даражада эканлигининг яна бир ёрқин мисолидир. Бу эса Марказий банк томонидан пул кредит сиёсати тўғри юритилаётганини англатиб турибди. Шунинг учун ҳам тадбиркорларимиз банклардан ҳеч бир қийинчиликсиз кредитлар олиб, юқори натижаларга эришмоқда.

Бу борада Фарғона вилоятида банклар томонидан амалга оширилган ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтсак.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган кўмаклар натижасида сўнгги 10 йил ичида вилоятимизда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 23,6 баробар ўсди, ўнлаб янги банк хизмати турлари жорий этилди.

Айниқса, тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш махсус жамғармалари ташкил этилиб, қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилаётганлиги вилоятимиз тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар янги иш ўринлари ташкил этилишида муҳим омил бўлаётганлигини алоҳида айтиш ўринлидир.

Сўнгги 5 йил давомида «Микрокредитбанк» томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми 2,5 бараварга ўсиб, 2013 йилда 20,9 млрд. сўмга, 2014 йилнинг I ярим йиллигида эса 12,6 млрд. сўмга етказилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрдаги Фармони билан тасдиқланган «Иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга доир чора-тадбирлар дастури»га асосан вилоятимиз тижорат банклари томонидан экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар 12 ой муддатга Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставка бўйича ажратиб келинмоқда.

Бунда асосий эътибор экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилмоқда. Хусусан, Фарғона вилояти Қувасой шаҳрида жойлашган «North south textile» масъулияти чекланган жамияти ТИФ «Миллий банк» томонидан ажратилган 600 млн. сўм эвазига бир қанча янги иш ўрни яратди. Ўтган давр мобайнида корхона томонидан жами 384 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шундан 200 млн. сўмлиги ички бозорга, 80 минг долларлик маҳсулот эса экспортга чиқарилди.

Худди шундай ТИФ «Миллий банк» Бувайда филиали томонидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун «Нурафшон зиё текс» хусусий корхонасига ажратилган 50 млн. сўмлик кредит ҳисобидан 5 та янги иш ўрни яратилиб, 20 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга сотилди.

«Асака» банк томонидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун «Фромода текстил» масъулияти чекланган жамиятига ажратилган 100 млн. сўмлик кредит ҳисобидан 1 млрд. сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди ҳамда 437 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Шунингдек, «Асака» банк томонидан нотўқима мато ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун «Фейхан текс» ҚК масъулияти чекланган жамиятига ажратилган 1,5 млрд. сўмлик кредит ҳисобидан 4,5 млрд. сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди ҳамда 2,1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот ташқи бозорга чиқарилди.

Бундай мисолларни вилоятимизнинг барча ҳудудларида самарали иш юритаётган бошқа юзлаб экспортёр корхоналар фаолиятидан ҳам келтиришимиз мумкин.

Шу ўринда тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, шунингдек, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш ҳамда ихчам иссиқхоналар ташкил этишга Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаларида кредитлар ажратилаётганлиги аҳоли учун катта имкониятлар эшигини очаётганини ҳам таъкидлаш жоиздир.

Ушбу мақсадлар учун 2012 йилда 8,6 млрд. сўм, 2013 йилда 14,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилган бўлса, шу йилнинг 1-ярмида бу миқдор 10 млрд. сўмга етказилди.

«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни қўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Қарорининг қабул қилингани эса шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди.

Мазкур ҳужжат асосида 2006-2013 йиллар давомида тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига имтиёзли микрокредитлар ажратиш ҳажми қарийб 3 бараварга ўсиб, 2013 йилда 93,9 млрд. сўмдан зиёд, 2014 йилнинг биринчи ярмида эса 32,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини имтиёзли асосларда молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Сўнгги 3 йил давомида ушбу мақсадлар учун ажратилган кредитлар ҳажми қарийб 5,5 бараварга ўсди. Биргина 2013 йил давомида айнан коллежларни битирган ўғил-қизларимизга ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун 19 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар берилган.

Таъкидлаш жоизки, вилоятимиз тижорат банклари томонидан тадбиркорларимиз, фермерларимиз ва ёшларимизнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бундан ҳам кўп имтиёзли кредитлар ажратиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам Фарғонада тадбиркорларнинг сони йилдан-йилга ошиб, юрт иқтисодиётини мустаҳкамлашда уларнинг ҳиссаси муттасил ортиб бормоқда.

Дилшод БОБОЖОНОВ,
«Камалак шабнам текс»
МЧЖ раҳбари
(Бухоро вилояти):

— «Ипотекабанк»нинг Бухоро вилояти филиали мижозиман. Банк ходимларининг мижозлар билан ишлашдаги янгича ёндашувлари тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришда, хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Банк томонидан аҳоли ва мижозларга сифатли ва тезкор банк хизматларини кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Банк ходимларининг ширинсўзлиги ва тезкорлигидан мамнунмиз.

Айниқса, тадбиркорлар томонидан тақдим этилаётган истиқболли бизнес-режа ҳамда лойиҳалар банк жамоасининг доимий эътиборида. Шу йилнинг бошида ушбу банкдан 400 млн. сўм миқдорида кредит, шундан 200 млн. сўми пахта ипли газлама ишлаб чиқариш ускуналари ва 200 млн. сўми эса хомашё сотиб олиш учун ажратилди. Бугунги кунда корхонамизда рақобатбардош бўлган текстил маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти.

Лойиҳа амалга ошганидан сўнг 1 млрд. 200 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Бу бир жиҳати. Иккинчи томони шундаки, ўн икки кишининг рўзғори обод бўлишига ҳисса қўшдик. Банк мадади билан уларнинг ҳам хонадонига барака кириб борди.

Режаларимиз янада кенг қўламли. Фаолиятимизни кенгайтириб, ишлаб чиқаришнинг бошқа йўналишларини йўлга қўймоқчимиз. Қишлоқда янги корхоналар ташкил этиш ниятимиз бор. Шу тариқа кўплаб қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаймиз. Бу мақсадимиз йўлида табиийки, «Ипотекабанк»нинг молиявий мададига суянамиз.

Ван СЯШОУ,
Шанхай Хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмасининг ижрочи вице-президенти
(Хитой Халқ Республикаси):

— Хитойликлар Ўзбекистонни яқин ҳамкор, қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга бўлган ва ўз олдига қўйган мақсадлар сари дадил бораётган мамлакат сифатида билади. Инвестициявий ҳамкорлик Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларидир. Ушбу ҳамкорлик айни пайтда ҳар икки томон учун устувор лойиҳалар ҳисобидан кенгайиб, энг муҳим йўналишлар бўйича янги босқичга кўтарилди.

Икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан буён ўтган 22 йил давомида томонларнинг умумий саъй-ҳаракати туфайли Хитой — Ўзбекистон муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланмоқда.

Бугун Ўзбекистон том маънода дунёга юз тутмоқда. Унинг обрў-эътибори тобора юксалиб бормоқда. Албатта, бундай юксак марраларга эришиш, энг аввало, мамлакатингизнинг гуллаб-яшнаши йўлида мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилиши давлатингиз раҳбари томонидан ўзбек халқи келажагини ўйлаб қилинган ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Юртингизда кўп маротаба бўлганман. Кўплаб ҳашаматли бинолар қад кўтараётгани, йилдан-йилга кўзни қувнатадиган замонавий турли хил оғир ва енгил автомашиналар ишлаб чиқарилаётганлиги, шунингдек, завод ва фабрикалар кўпайиб бораётгани, энг муҳими, халқингизнинг эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамлиги эътиборга сазовордир.

Юртингизда яратилган қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити хорижий ҳамкорлар сонининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликдир.

Яқинда жаҳоннинг энг нуфузли рейтинг агентликларидан бири «Мудис»нинг Ўзбекистон банк тизимига бешинчи йил барқарор рейтинг баҳосини берганлигини эшитдим. Албатта, ушбу рейтинг агентлигининг бу эътирофи улкан ютуғингиздир. Бунда мамлакатингиз банк тизими раҳбарияти томонидан ишлаш стратегияси пухта ишлаб чиқилганлиги, ҳар бир банкка алоҳида ёндашиб, капиталининг ўсишини бевосита назоратга олиб, активларни сифат жиҳатдан яхшилаб боришига асосий эътибор қаратиши ва шу асосда тизимли фаолият кўрсатаётганлиги диққатга сазовордир. Ана шундай тизимли ва пухта ўйланган стратегия банк тизимининг барқарор ва муваффақиятли ишлашида асосий омил бўлмоқда.

Хорижий инвесторлар, йирик банк раҳбарлари томонидан юртингиз банк тизими бу борада ҳақиқатан ҳам ишончли ва кафолатланганлиги алоҳида эътироф этилмоқда.

Бунинг боиси давлатингиз раҳбари томонидан банк тизимини ислоҳ этиш борасида қабул қилинган ҳужжатларнинг ижроси банк тизими раҳбарияти томонидан жойларда тўлақонли бажарилаётганлигида деб биламан.

Юртингизда 455 дан зиёд Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси самарали фаолият кўрсатаётганлиги, банкларингиз томонидан қўшма корхоналар учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, яқиндан ҳамкорликда ишлаб келинаётганини қадрлаймиз.

* * *

Хулоса қилиб айттанда, кейинги йилларда юртимиз банк-молия тизимида ўсиш ва барқарорлик яққол кўзга ташланмоқда. Зеро, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенгайтириш баробарида иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Марказий банк материаллари асосида тайёрланди

Реклама ўрнида

O'ZSANOATQURILISHBANK

Мамлакатимизда аёллар томонидан ўз имкониятларини тўлиқ амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий база яратилган. Ташкилотчилик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятига эга бўлган аёллар барча соҳаларда фаол меҳнат қилмоқда. Уй бекаларини меҳнатга, фаол турмуш тарзига жалб қилишда касаначилик, оилавий тадбиркорлик имкониятлари кенг қўлланилмоқда. Аёл тадбиркорларнинг салмоғини кенгайтириш мақсадида уларнинг билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорликка кенг йўл

Сўнгги ўн йилда аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан қарийб 134 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ўтган йил якунига кўра, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан қарийб 30,3 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилган, бу эса 2012 йилга нисбатан 1,3 баравар кўп демакдир.

2014 йил давомида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 39,4 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратиш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробарга ошган ҳолда — 25,7 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда юзлаб маҳаллалар, турар жой мавзеларида янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, нон ва кондитерлик маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар, савдо дўконлари, болалар майдончалари, дам олиш масканлари, гўзаллик салонларининг барпо этилиши тадбиркор аёлларнинг кредитлардан самарали фойдаланишини исботлаб турибди.

— Бир неча йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман — дейди Самарқанд шаҳридаги «Fariza Rayxona Chevar» хусусий корхонаси раҳбари Васила Саидазетова. — Мен «Ўзсаноатқурилишбанк» кўмагида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйдим. Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилган танловда «Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг энг яхши бизнес лойиҳаси» йўналишида ғолиб деб топилдим. Банк томонидан ажратилган кредитга тикувчилик дастгоҳлари, махсус дазмоллар, матолар сотиб олдик. Лойиҳанинг амалга ошиши натижасида янги қўшимча иш ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда йилига 2500 дона тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг молиявий кўмагидан миннатдормиз.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларни, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва тадбиркорлик соҳасига жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2013 йилда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаш учун 5,7 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган, бу эса 2012 йилгидан 3 баравар кўп демакдир.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича 2014 йилда 10 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратиш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 баробарга оширган ҳолда — 6,6 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

— 2011 йилда Ангрен педагогика коллежини тамомлагач, тадбиркорлик билан шуғулланишга қарор қилдим, — дейди Ангрен туманидаги «Aero ekspress» хусусий корхонаси раҳбари Дилноза Авабакирова. — 2014 йилда бизнес-лойиҳамни ишлаб чиқдим ва «Ўзсаноатқурилишбанк»дан лойиҳамни амалга оширишим учун 60 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағи олишга муваффақ бўлдим. Давлатимиз раҳбари томонидан аёлларимизга ўз бизнесларини йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани бизни нафақат турмушимизни фаровон қилиш, балки юрт равнақига ҳам муносиб ҳисса қўшишдек эзгу мақсад сари руҳлантирмоқда.

— Хонқа спорт ва педагогика коллежи битирувчисиман, — дейди якка тартибдаги тадбиркор Юлдузхон Султонова. — Мустақил иш бошлаб бизнесимни ташкил этишда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг молиявий кўмаги қўл келди. Ушбу молия муассасаси томонидан жорий йилда ажратилган имтиёзли фоиз ставкаларда 50 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағи бизнес-лойиҳамни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлди. Ушбу кредит маблағи ҳисобига оила аъзоларимни ҳам жалб қилган ҳолда йилига 26,4 минг дона нон маҳсулотлари, 7,9 тонна печене ҳамда 5,3 тонна мармеладли конфет ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Мен банк билан бўлган ҳамкорлигимиз келгусида янада самарали бўлишига ишонаман.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан ўтган йил давомида аёлларимизнинг уй юмушларини енгиллаштириш мақсадида 740 нафардан ортиқ хотин-қизга маиший техника, ошхона электр жиҳозлари ва бошқа истеъмол товарлари сотиб олиш учун жами 3,4 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди.

Қишлоқ жойларда аёлларни ишга жойлаштириш, аёл тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар учун қулай шарт-шароитлар яратишни банк жамоаси ўз фаолияти олдида турган устувор йўналишлардан бири деб билади. Бу йўлда «Ўзсаноатқурилишбанк» бундан кейин ҳам барча имкониятларини ишга солади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Кредит операциялари департаменти

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилоят филиали бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

1. Янгиариқ туман ҳокимлигига қарашли Хоразм вилояти Янгиариқ тумани, Қўриқтом қишлоғида жойлашган 22-сонли болалар боғчасининг эски бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий майдони 6794,32 кв.метр, шундан қурилиш ости майдони 951,91 кв.м.

Бошланғич нархи — 556 086 000 сўм.

Балансда сақловчи: Янгиариқ туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Аукцион савдоси 2014 йил 30 сентябр куни, соат 15:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йилнинг 31 октябр, 5 декабр, 2015 йилнинг 6 январ кунлари, соат 15:00 да бўлиб ўтади.

2. «Туямўйин» ГЭС Давлат корхонасига қарашли, Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани, Питнак қишлоғи Обод маҳалласида жойлашган 10 та ўринга мўлжалланган қурилиши тугалланмаган Меҳмонхона биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий майдони 432,63 кв.метр. шундан қурилиш ости майдони 432,63 кв.м.

Бошланғич нархи — 334 402 000 сўм.

Балансда сақловчи: « Туямўйин» ГЭС Давлат корхонасига.

Фаолияти ихтисоси: Хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш.

Аукцион савдоси 2014 йил 2 октябр куни соат 12:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йилнинг 4 ноябр, 5 декабр, 2015 йилнинг 6 январ кунлари, соат 12:00 да бўлиб ўтади.

Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик)

3. Гурлан туман ҳокимлигига қарашли Хоразм вилояти Гурлан шаҳарчаси, П.Маҳмуд кўчаси, 114-б уйда жойлашган Эски стоматология поликлиникаси биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий майдони 600,0 кв.метр, шундан қурилиш ости майдони 265,0 кв.м.

Бошланғич нархи — 210 594 000 сўм.

Балансда сақловчи: Гурлан туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: Хоразм вилоят Урганч шаҳар, Й.Бобожонов кўчаси 23-уйнинг 1 қават, 2-хонада жойлашган «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилоят филиали. Тел: (8362) 228-10-86. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги вебсайт: www.1kms.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 2 октябр куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йилнинг 4 ноябр, 5 декабр, 2015 йилнинг 6 январ кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилоят филиали)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АТИБ «Ипотека банк» Тинчлик филиали, х/р: 20208000004920609036, МФО:00580, СТИР:207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Хоразм вилоят Урганч шаҳар, Й.Бобожонов кўчаси 23-уйнинг 1 қавати, 2-хона.

Маълумотлар учун телефон: (8362) 228-10-86. Факс: (8362) 228-10-86.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт: www.1kms.uz. www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

AGROBANK

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрамига қизғин ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда истиқлол берган имкониятлар натижасида эришаётган ютуқларимизни ҳам сарҳисоб қиляпмиз. Айтиш жоизки, ушбу муваффақиятларда банк-молия тизимининг муносиб ўрни борлиги яққол кўзга ташланмоқда. Бугун банкларнинг барча соҳаларни қўллаб-қувватлашдаги иштироки — молиявий мадади катта бўлаётир.

Барқарор тараққиётга йўналтирилган сармоялар

«Агробанк» АТБ томонидан тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда

«Агробанк» АТБнинг Самарқанд вилоят бошқармаси ана шундай — улуғ мақсадларга камарбаста бўлаётган, истиқболли лойиҳаларга сармоя ажратаётган молия муассасаларидан биридир.

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун кенг имконият ва шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бугунги кунда банклар тадбиркорларга нафақат мижоз, балки яқин ҳамкор сифатида қараб, мустаҳкам алоқа боғламоқда.

«Агробанк» АТБ фаолиятида миллий иқтисодиётимизнинг муҳим бўғини — аграр секторни изчил ва барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқларимизни обод этиб, минглаб иш ўринлари ташкил этаётган фермерларни қўллаб-қувватлаш айни кундаги долзарб масалалардан биридир.

Жорий йилда банкнинг туман филиаллари томонидан мулкдорларга 47,2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Ана шу молиявий кўмак туфайли 918 та янги иш ўрни яратилди. Таъкидлаш жоизки, сармоялар асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо-воситачилик, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ жойларида замонавий минитехнологияларни жорий этишга йўналтирилаяпти.

Ишбилармон-тадбиркорлар ишончига айланган банк муассасаси бугун мижозлар эътирофига сазовор бўлиб, кенг қамровли истиқболли ҳамкорликда иш олиб бораётир. Буни банк мижозлари томонидан билдирилаётган миннатдорчилик сўзларидан ҳам билсак бўлади.

Ҳамида ЮСУПОВА,
«Ҳамида Юсупова»
фермер хўжалиги раҳбари:

— Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Аграномия факултетини тамомлаб, фермер хўжалигини ривожлантиришга қўл урдим. Фаолиятимизни йўлга қўйишда «Агробанк»нинг Нарпай филиали жамоаси яқиндан ёрдам кўрсатди. Банкка тақдим этган бизнес лойиҳам маъқулланиб, иссиқхона қурилиши учун 2011 йилда 50 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Олинган кредит маблағини муддатидан олдин тўлаш имкониятига эга бўлганим натижасида банкнинг ишончли мижозларидан бирига айландим. 2013 йилда фермер хўжалигимизни кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириш мақсадим ҳам рўёбга чиқди. Автобус сотиб олиш учун банк томонидан 70 млн. сўм кредит маблағи берилди. Шу асосда фермерлик фаолиятимизни кенгайтириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш билан бирга, аҳолининг узоғини яқин, оғирини-енгил қилиш учун транспорт хизматини ҳам йўлга қўйганмиз. Келажакда бир қанча бизнес ғояларимни ҳаётга жорий этиш ва уни амалга ошириш ниятидаман. Бу борада ҳам «Агробанк» АТБнинг молиявий кўмаги фаолиятимизда асқотади.

Карим РЎЗИЕВ,
«Ижодкор Вали» хусусий корхонаси раҳбари:

— Давлатимиз томонидан тадбиркорларга жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Бундан унумли фойдаланиб, моддий жиҳатдан фаровонликка эришаётган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади. Мен ҳам трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунасини харид қилиш учун «Агробанк» АТБнинг Самарқанд вилоят Иштихон филиалига ўз бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Банк мутахассислари лойиҳамни атрофлича ўрганиб чиқиб, қисқа фурсат ичида 170 млн. сўм миқдорида кредит ажратишди. Лойиҳа амалга ошиши натижасида 5 киши доимий иш билан таъминланди. Ҳозирда ҳар куни аҳолига ўртача 200 та трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариб, аҳоли ва буюртмачиларга етказиб бераяпмиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, «Агробанк» АТБнинг Самарқанд вилоят бошқармаси иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини кенгайтириш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Бу эса унинг мамлакат молия бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ






ЎзА суратлари

Ishonch
2014-yil 28-avgust № 105-106 (3455)

XALQ BANKI

Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси

Мустақиллигимизнинг **23 йиллик байрами** билан барча юртдошларимизни муборакбод этади.

Тинчлик ва осойишталигимиз барқарор, хонадонларимиз фаровон, юртимиз янада кўркам ва обод бўлсин!



Тадбир

Бўстонлиқ туманининг сўлим гўшасида жойлашган «Зангори олов» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси касаба уюшмаси қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги ҳамда Соғлом бола йилига бағишлаб «Отам, онам ва мен — спортсевар соғлом оила» шиори остида ишчи-ходимлар ўртасида оилавий спорт мусобақалари ва бошланғич ташкилотлар етакчилари учун амалий ўқув-семинар ўтказилди.

Эсда қоладиган бўлди



Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларидан келган ишчи-ходимлардан иборат 19 оила мусобақанинг етти шарти бўйича ўзаро баҳсга киришди. Мусобақанинг биринчи поғонасига кўтарилган бўлса, оққўрғонлик Зиёдулла Абдураимов ва чинозлик Тоҳир Тожибоев оилалари кучли учликни якунлаб беришди.

Куннинг иккинчи ярмида бошланғич касаба уюшма қўмиталари етакчилари ва фаоллари учун уюштирилган амалий ўқув-семинар ўтказилди. Унда иштирок этган Ўзбекистон нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Ғ.Ҳамидов, кенгашнинг бош ҳисобчиси З.Ибрагимова, бош юристконсулти У.Газиевларнинг қизиқарли маърузалари тингланди.

* * *

«Тошкентгазтаъминот» УК касаба уюшма қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги ҳамда Нефт ва газ саноати ходимлари кунига бағишлаб ишчи-ходимлар ўртасида мини-футбол бўйича мусобақалар ташкил этилди. 19 та жамоа орасида кечган муросасиз баҳсларда «Тошкентгазтаъминот» УКнинг «Қибрайтумангаз» филиали биринчи, «Бекободтумангаз» филиали иккинчи ҳамда «Пискенттумангаз» филиали учинчи ўринларни эгаллади. «Энг моҳир ҳужумчи», «Энг моҳир дарвозабон», «Энг чаққон ўйинчи», «Ғалабага бўлган интилиши учун» номинациялари бўйича ҳам совриндорлар рағбатлантирилди.

Ғолибларга диплом, кубок ва эсдалик совғалари топширилди.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Бетакрор ва бағрикенг диёр

(Давоми. Бошланиши 5-саҳифада).

«Машраб» удуми

Уйғурларнинг удумлари ўзгача. Шулардан бири «машраб», яъни ўзбекча қилиб айтганда «гап»дир. «Машраб» театрлаштирилган йиғин ҳисобланиб, ҳар ойда бир марта ўтказилади. Унинг тарбиявий аҳамияти катта. 2010 йилда ЮНЕСКО томонидан уйғурча «машраб» маросими номоддий маданий меросларга рўйхатига киритилди.

— Уйғур халқининг «машраб» удуми миллий анъаналарнинг ёрқин намунаси бўлиб, эркакларнинг «ўттиз ўғил», бошқача айтганда, «машраб уюшмаси» ҳисобланади, — дейди Уйғур миллий маданий маркази оқсоқоли Ёрмуҳаммад Абдусатторов. — Унга маълум ёшга етган эркаклар аъзо бўлиб киради. Ўз аъзоларига кўмак кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш уюшманинг вазифаси саналади. «Машраб» уйғур халқи миллий анъаналарининг гўзал тимсолидир.

«Машраб» йиғинидан кўзланган мақсад ўйин-кулги қилибгина кетиш эмас, урф-одатларни сақлаш, ёшларни миллий анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаш, энг муҳими, элнинг, маҳалланинг ишини ушбу йиғин орқали бошқаришдир.

Бой анъана ва урф-одатлар, миллий ўйинлар, мусиқа, рақс, халқ оғзаки ижоди ушбу тадбир моҳиятини очиб берадиган омиллардан ҳисобланади.

Ҳар бир ҳудудда ўзига хос ном олган «машраб» тадбирлари бор. «Или машраби», «Дўлон машраби», «Қумул машраби» ва «Қашқар машраби» шулар жумласидандир. Булар мазмунан бир бўлса-да, шаклан ҳар хил.

«Машраб» тадбирларида бажариладиган амаллар олдиндан ишлаб чиқилади. Масалан, тадбирга кимдир кечикиб келса жазо қўлланилади. Кечикиб келган киши бирор ҳайвон ёки парранда овозини қилиб бериши керак. Шунингдек, тадбир талабларини бажармаган кишиларга қўй ёки бошқа ҳайвонлар воситасида қатъий жарима қўлланади.

«Машраб» удуми бир томондан адолатни сақлаб қолиш мақсадида бошловчи вазифасини ўтаётган шахснинг низоларни ҳал этишида намоён бўлса, иккинчидан, одамларнинг урф-одат ва анъаналарга садоқати намунасини ўтайди.

— Шуни ҳам таъкидлаш керакки, «ўттиз ўғил» эркаклар уюшмаси билан бирга «тўққиз қиз» ёки «қайтар чой» аёллар уюшмаси ҳам фаолият кўрсатади. Ушбу йиғинларда қатнашаётган аёлларнинг ҳам ёш бўйича ўз гуруҳлари ва анъаналари мавжуд, — дея суҳбатга қўшилади Тошкент шаҳар Уйғур миллий маданий маркази раиси, «Гулдаста» рақс ансамбли бадиий раҳбари Ҳалима Баратова. — Маросим асосан яхшилик қилиш, урф-одатларни тарғиб этиш мақсадида уюштирилади. Яна меҳмонни кутиб олиш, дастурхон безаш, унга иззат кўрсатиш ва кузатиш каби халқимизга хос бўлган нозик жиҳатларни ёшларимизга ўргатамиз.

Уйғур халқи билан ўзбекларнинг ўхшаш, муштарак томонлари кўп. Кейинги пайтда икки халқнинг урф-одатлари ва санъатида яна ҳам яқинлашиш кузатилмоқда. Уйғурча-ўзбекча шеър басталаб ашула айтиш анъанаси ҳам кўпаймоқда. Ҳозиргача уйғур хонандасининг куйига ўзбек рақкосаси, ўзбек бахшисининг дўмбирасига уйғур созандаси жўр бўлиб келаётгани қалбан яқинликнинг нишонасидир.

Бу мантини емабсиз...

Уйғур миллий таомлари хилма-хил ва ранг-барангдир. Айниқса, манти, лағмон, гангпан, ошлямфу, ўпка-ҳасип каби кўплаб уйғур миллий таомлари халқимиз орасида маълум ва машҳурдир. Уларнинг тайёрлаш усуллари ҳам ўзига хос, бетакрор. Уйғур таомномасида гўшт ва сабзавотлар қовурилиб тайёрланадиган таомлар «сай» деб аталади.

Мош крахмалидан тайёрланган ошлямфу салатини таътиб кўрсангиз, унинг бетакрор таъми оғзингизда қолади.

Сонихвонгва, яъни хомсай асосан бодринг ва гўштдан тайёрланади. Уни аччиқ таомларни хуш кўрувчилар севиб истеъмол қилишади.

Гангпан, яъни гуручдан тайёрланган ажойиб кўринишдаги таом эса қовурилган гўшт ва сабзавотлардан тайёрланади.

Лангсай, яъни пентуза салати халқимиз орасида жуда машҳур. Ушбу салат тўй ва маросимларимизда дастурхон кўркига-кўрк қўшиб туради.

Уйғурлар мазали ва бежирим манти тайёрлашда устаси фаранг.

Гўшсай ҳам уйғурларнинг машҳур таомларидан биридир. Уйғур хонадонига ташриф буюрган меҳмон биринчи навбатда ана шу таомдан татиб кўришга муяссар бўлади. Қўй гўшти, болғар қалампири ва бошқа сабзавотлар қўшиб тайёрланадиган ушбу таом ҳар қандай хўранданинг иштаҳасини қитиқлаб юборади.

Дюсай мошдан тайёрланган салат бўлиб, у ўзининг тўйимли ва фойдалилик хусусияти билан бошқа салатлар орасида ажралиб туради.

Соҳир санъат

Мусиқа овоз санъати ҳисобланса, рақс ҳаракат санъатидир. Уйғур миллий рақслари ўзининг жозибаси билан ҳар қандай томошабинни сеҳрлаб қўяди. Улар доира, ноғора, карнай, сурнай, дутор, қонун, танбур, сато ва бошқа чолғу асбоблари куйига ижро этилади.

Уйғурча рақс жуда гўзал, нафис, силлиқ ва юмшоқ қадамлар билан ўйналадиган, оёқ-қўллари бир-бирига жуда мослашган рақслардир.

Гул яхшими, гулдастами, деган саволга, албатта, гулдаста деб жавоб беришингиз табиий. Гулдастанинг гулдан яхшилиги шундаки, унда ранго-ранг, турли-туман гуллар жамланган бўлади. «Гулдаста» ансамбли репертуари ҳам «Фироқ», «Ўзбекистон гулзор», «Жон лола», «Нозигим», «Ёримнинг қора сочи», «Тоғ сувлари» каби турфа хил ўзбек ва уйғур рақсларига бойлиги билан кўпчиликнинг эътиборига тушган.

Чолғу асбоблари

Уйғур мусиқа маданияти тарихи узоқ асрларга бориб тақалади.

Санъаткорлик мусиқанинг нозик томонларини яхши ҳис қилишни талаб қилади. Маҳмуджон Ҳошимов мусиқа асбоби усталарининг еттинчи авлоди.

— Уйғурларнинг мусиқа асбоблари сон жиҳатдан ниҳоятда кўп. Дутор, танбур, рубоб, ғижжак, қонун, сато каби 50 дан ортиқ асбоблар халқ орасида кенг тарқалган. Ясовчи уста чалишни билмаса, ўзи ясаган асбоби қандай чиққанини билмайди, — дейди у.

Агар бугун мендан: «Бу дунёда дўст дўстнинг кўрғони, дўст дўстнинг султони бўлган мамлакат борми?» деб сўрасангиз, ҳеч иккиланмасдан: «Ҳа, бор, бу — жаннатмонанд юртимиз — Ўзбекистондир», деб жавоб берган бўлардим. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ўзбекистон — ҳақиқий дўстлик, бағрикенглик, тинчликсеварлик, саховатпешалик, меҳр-оқибат кўрғонидир.

Назира БОЙМУРОДОВА

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -21.30
Topshirildi - 21.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 815 | 13970 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5